O'ZBEKISTON RESPUBLIKA-SI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 15-dekabr, chorshanba № 101 (7710)

Da'vat

Ertalab o'rningdan turib o'zingdan: «Nima ish qilishim kerak?», kechqurun yotishdan oldin esa, «Nima ish qildim?» deya so'ra.

PIFAGOR

Бирор-бир хорижий тилни мукаммал ўзлаштириш — дунёни билиш ва дунёга чиқишнинг бирламчи воситаларидан бири эканлиги бугун ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Хорижий тилни мукаммал ўзлаштириш эса мактаб партасидан бошланади.

Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили ўқитувчиси Робия Қутлимуродова ўн тўрт йилдан бери ёшларга жаҳон тилларидан бирини ўргатиб келади. Изланувчан муаллима касб байрами арафасида «Шуҳрат» медалига лойиқ кўрилди. Бу эътироф-қадр меҳнат ортида бўй кўрсатишини англаган Р.Қутлимуродованинг бир шижоатига ўн шижоат қўшди.

Суратда: муаллиманинг 9-синф ўқувчиларига навбатдаги машғулот ўтаётган лавҳа акс этган.

Сураткаш
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

DAVRA SUHBATI

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisida huquqni muhofaza qilish organlari faoliyatida inson huquqlarini ta'minlash masalalariga bag'ishlangan davra suhbati bo'lib o'tdi. Unda tegishli vazirlik va idoralar, Konstitutsiyaviy sud, Oliy sud, Harbiy sud, Bosh prokuratura, Harbiy prokuratura rahbarlari, shuningdek, parlament qo'mitalari va komissiyalari, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Inson huquqlari bo'yicha vakili (ombudsman) institutiga hamkor tashkilotlar, jamoat, xalqaro va nohukumat tashkilotlari, ommaviy axborot vositalari vakillari, shuningdek, Ozarboyjon Respublikasining O'zbekistondagi Favqulodda va muxtor elchisi A.Azimbekov, Shveytsariya Konfederatsiyasining O'zbekistondagi Favqulodda va muxtor elchisi Peter Burkxard ishtirok etdi.

YIG'ILISH

Qashqadaryo viloyat hokimligida Qarshi shahrining 2700 yilligini nishonlashga tayyorgarlik ko'rish va o'tkazish bo'yicha respublika tashkiliy qo'mitasining yig'ilishi bo'lib o'tdi. Unda tegishli vazirlik, idora va tashkilotlar rahbarlari ishtirok etdi.

O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o'rinbosari R.Qosimov boshqargan yig'ilishda yubiley ob'ektlari jadvaliga kirgan inshootlarni loyihalash va qurish ishlarini tezlashtirish borasidagi vazifalar belgilab olindi.

(Davomi 2-betda)

Ibrat

Baxmal tumanidagi A.Usanov nomidagi shirkatlar uyushmasida 600 o'ringa mo'ljallangan "Shoybek" iqtisodiyot kolleji foydalanishga topshirildi. Yangi bilim dargohini bunyod etishda "Navro'z ayyomi" qurilish firmasi munosib hissa qo'shdi.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МАКТАБДА ОШХОНА ТАШКИЛ ЭТИШ КИМНИНГ ИШИ? 2-бет

НОМЗОДНИ ТАНИШ БОШҚА ТАНЛАШ БОШҚА 3-бет

ДАРСЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ? 6-бет

ГУЛХАН ЎЧМАГАН КЕЧА (БАДИА) 8-9-бетлар

ДУНЁНИ ЯХШИЛИКЛАР ЯШАРТИРАДИ 10-бет

ЭСКИ ТИЗИМНИНГ ЯНГИЛАНИШИ ёхуд мураббий ва талаба ўртасидаги муносабатлар хусусида 11-бет

Тоҳир МАЛИК

«ЖИНОЯТНИНГ УЗУН ЙЎЛИ»

ушбу асарни газетамизнинг 2005 йилги илк сонларидан бошлаб ўқиб борасиз.

Bordi-yu, mahsulotlar pishiqchilik paytida aynan dehqonlardan sotib olinib, g'amlab qo'yilsa, taomlarning narxini bundan ham arzonlashtirish mumkin. Hammasi oshpazga bog'liq...

ЮНИСЕФНИНГ ЯКУНИЙ ЙИҒИЛИШИ

Боланинг табиати нозик. У доимо ҳимояга, меҳрга, парваришга муҳтож. Кичкинтойнинг соғ-саломат ўсиши, керакли тарзда билим олиши, қизиқишларига монанд касб-ҳунарга йўналтирилиши, ўзига ёққан меҳнат билан шуғулланиши, ҳақ-ҳуқуқларини чуқур англаши— барчаси унинг келажакда етук шахс бўлиб етишишига имконият яратади. Мана бир неча йилдирки, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси республикамиз ҳукумати билан ҳамкорлик давлат дастури асосида фаолият кўрсатмоқда.

Куни кеча «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва БМТнинг болалар жамғармаси— ЮНИСЕФ ўртасидаги 2000-2004 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик давлат дастурининг якуний хулосаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда ЮНИСЕФнинг ҳамкорлари, ҳукумат тузилмалари вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ОАВ ходимлари, шунингдек, БМТнинг бошқа жамғармалари вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишни Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Нурия Тўраева очиб, ЮНИСЕФнинг Марказий Осиё давлатларидаги ҳудудий вакили Хуан Агилар ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколат хонаси раҳбари Брендо Вигога Ўзбекистон ҳукумати номидан миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнг Брендо хоним 2000-2004 йиллардаги ҳамкорлик давлат дастури бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Шундан сўнг олиб борилган ислоҳотларни акс эттирувчи видеофильм намойиш қилинди.

Шунингдек, ЮНИСЕФнинг жойларда қилаётган ишлари натижалари тўпланган ахборот материаллари асосида маҳсулотлар кўргазмаси ташкил қилинди.

Йиғилишда халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов мазкур болалар жамғармасининг умумтаълим мактабларида ўқувчилар саломатликларини, гигиеник-экологик қарашларини шакллантиришдаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида тўхталиб, жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонасига ва бошқа халқаро ташкилотларга миннатдорчилик билдирди.

Халқаро болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Бренда Виго дастурга мувофиқ, мамлакатимизда беш йил давомида болалар ҳуқуқини ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Оналар соғлиғини яхшилаш орқали соғлом фарзанд туғилишига эришиш, махсус эътиборга муҳтож болалар ва ўсмирлар соғлиғини мустаҳкамлаш, таълим олишини янада яхшилаш борасида аниқ дастур асосида иш олиб борилди.

Халқаро болалар жамғармаси томонидан ўтказилган ижтимоий мониторинг натижаларига кўра, дастур доирасида муайян ютуқларга эришилган. Бу ижобий тажриба етакчи халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилди. Шу боис, якунланган Ҳамкорлик дастури 2005-2009 йилларга мўлжаллаб тузилган янги дастурда яна давом эттириладиган бўлди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» мухбири,
О.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Ma'rifat маслаҳатхонаси

Наманган вилояти Поп туманида яшовчи Ҳ.Бобоевадан

САВОЛ:

1. Қизим Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳрида қирғиз-ўзбек университетида ўқийди. Ўқишни битириб келса, бошқа республиканинг дипломи Ўзбекистонда ўтадими?

2. Ўрта махсус маълумотли 20—25 йил стажга эга бўлган ўқитувчилар ҳам яна олий маълумот олиш учун ўқиши шартми?

ЖАВОБ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарорига биноан хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқилган бўлиб, у 1992 йил 1 январдан сўнг берилган ҳужжатларни тан олиш ҳамда уларни нострификациялаш тартибини белгилайди. Ушбу Низом умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим ҳужжатларига тегишлидир. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш деганда ваколатли давлат органларининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу ҳужжатларнинг қонуний кучга эга эканлиги тушунилади. Хорижий давлатларда ўрта махсус ва олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлашни қайд этиш) ҳамда тегишли гувоҳнома бериш бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан амалга оширилади. Агар қизингизнинг дипломи ушбу бошқарма томонидан нострификация қилинса, у Ўзбекистон ҳудудида ишлаши мумкин.

2. 2004 йил 24 июнда Вазирлар Маҳкамасининг «2004—2005 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорда давлат педагогика институтларининг махсус сиртқи бўлимларига ўрта махсус маълумотли ва тегишли таълим тури бўйича камида 3 йил амалий педагогик стажга эга бўлган педагог кадрлардан бакалаврлар тайёрлаш бўйича талабалар қабули режаси белгиланган. Олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига талабаларнинг қабули белгиланган Низом, тартиб ва қоидалар асосида ўтказилади. Неча йиллик иш стажига эга бўлишингиздан қатъи назар, олий маълумотга эга бўлишингиз шарт.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

TANLOV

Mehribonlik uylarini kapital ta'mirdan chiqarish, moddiy-texnik bazasini mustahkamlash maqsadida «Sen Yolg'iz Emassan» Respublika jamoatchilik bolalar jamg'armasi Xalq ta'limi vazirligi bilan hamkorlikda e'lon qilgan «Eng yaxshi Mehribonlik uyi» hamda «Mehribonlik uyining eng yaxshi tarbiyachisi» ko'rik-tanlovining Toshkent shahar bosqichi bo'lib o'tdi. «Eng yaxshi Mehribonlik uyi» tanlovi bo'yicha Yunusoboddagi 31-Mehribonlik uyi birinchi o'rinni egalladi. «Mehribonlik uyining eng yaxshi tarbiyachisi» ko'rik-tanlovi bo'yicha esa Hamza tumani 30-Mehribonlik uyi tarbiyachisi Feruza Usmonxo'jayeva g'olib deb topildi.

AMNISTIYA IJROSI

O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Jazoni ijro etish bosh boshqarmasida Davlatimiz rahbarining «O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining o'n ikki yilligi munosabati bilan amnistiya to'g'risida»gi farmoni ijrosini izchillik bilan ta'minlash masalalariga bag'ishlangan yig'ilish o'tkazildi. Unda Bosh prokuratura, Ichki ishlar, Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish, Sog'liqni saqlash vazirliklari xodimlari, respublika «Mahalla» xayriya jamg'armasi hamda tegishli idora va tashkilotlar vakillari ishtirok etdi.

МАКТАБДА ОШХОНА ТАШКИЛ ЭТИШ КИМНИНГ ИШИ?

Очиғини айтиш лозим: кейинги йилларда жуда кўплаб мактабларда мактаб ошхоналарининг фаолияти сусайиб қолган. Кўплаб қишлоқ мактабларида мактаб ошхоналари ишламайди. Ҳатто айрим мактабларда бир пайтлар бинойидек фаолият кўрсатган ошхоналар бугунги кунда синиқ ва «мажруҳ» столстуллар сақланадиган «омборхона»ларга айлантирилганлигининг ҳам гувоҳи бўлдик.

Хизмат сафари билан мактабларда бўлганимизда, мактаб ошхоналари хусусида сўраб-суриштирганимизда аксарият ҳолларда шундай жавоб эшитамиз:

— Ҳозирги пайтда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари баланд. Мактаб ошхоналарини очиб, болаларнинг чўнтакларибоп таомлар тайёрлашнинг иложи йўқ:...

Савол туғилади: ҳақиқатан ҳам шундайми? Ҳозирги кунларимизда ростдан ҳам мактаб ошхоналарини юритиш оғирми? Ростдан ҳам маҳсулотларнинг бозор нархлари баландми? Тўғри, бу масаланинг бир жиҳати. Аммо аслини олганимизда бозорларимизда энг арзон маҳсулотлар деҳқонларимиз етиштираётган озиқ-овқат маҳсулотлари эмасми? Масалага жиддийроқ ёндошсак, унинг иккинчи, айни вақтда ўта муҳим жиҳати ҳам йўқ эмаслиги сезилади. Фарзандларимизнинг баркамол улғайиши, сиҳат-саломатлигига ҳам бориб тақалади. Зеро, ўз вақтида ва тўғри овқатланиш кўплаб касалликлар келиб чиқишининг олдини олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз томонидан янги йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинишининг моҳиятида ҳам аслида ана шу — кўпчиликка оддий туюлган масаланинг қандай ҳал этилишига ҳам боғлиқ, назаримизда.

Гап мактаб ошхоналари хусусида кетганда шу нарсани рўйрост айтиш керакки, мактабга умумий раҳбар мактаб директори ҳисобланади. Мактаб ҳудудидаги ҳар бир иш учун биринчи галда у масъул. Демак, мактабда ошхона ташкил этиш иши ҳам мактаб директорига тааллуқли, деган хулоса келиб чиқади. У ҳолда мактабларимиз раҳбарлари "Ҳозирги шарт-шароитда мактаб ошхоналарини юритишнинг иложи йўқ" дея, ўзларининг бу борада астойдил жон куйдирмаётганликларини, йўл қидириб топмаётганликларини ниқобламаётганмикинлар, деган гумон ҳам келиб чиқади.

Қанчалик аччиқ бўлмасин, шу ўринда яна бир нарсани ҳам айтиш керакки, аксарият ҳолларда ҳар йили мактаб раҳбарлари туман ХТБларига, улар эса вилоят халқ таълими бошқармаларига, бошқармалар ўз навбатида Халқ таълими вазирлигига мактабларда ишламаётган ошхоналарни "ишлаяпти" дея ёлғон маълумотлар тақдим этиб келишаяпти.

Яқинда хизмат сафари билан Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Алишер Навоий номидаги 2-мактабда бўлганимизда мактаб директори Саттор Ҳамроевдан мактаб ошхонаси хусусида сўрадик.

— Мактабимизда ошхона бор. Ошхонамизни ошпаз Мавлуда Қурбоновага шартнома асосида берганмиз. Бугунги кунга қадар ошхона фаолияти мунтазам йўлга қўйилган.

Мактаб ошхонасига ташриф буюрдик. Катта танаффус пайти бўлгани учун ҳам ошхона ўқувчилар билан гавжум. Тахминан 25-30 нафар ўқувчи овқатланишаяпти. Бир столда 4 нафар муаллим ҳам тановул қилишаяпти. Мактаб ошхонасида тайёрланаётган овқатлар билан қизиқиб кўрдик. Кунлик таомнома билан танишдик. Шўрва 200 сўм, палов 250 сўм, лағмон 200 сўм, қовурма 200 сўм, картошка ва тухумли қовурма 150 сўм, сомса ва бўғирсоқларнинг бир донаси 25 сўмдан.

Косаларга солинаётган овқатларга разм солдик. Дарҳақиқат, уларнинг сифати ёмон эмасдай. Барча турдаги таомларда гўшт, картошка, сабзи, шолғом, карам ва пиёз, нўхат ёки мош, ловиялар солинган.

Ўзини Шуҳратбек деб таништирган ўқувчини суҳбатга тортдик:

— Ошхонамизда тайёрланадиган таомлар яхши, худди уйимиздаги овқатлар сингари ширин. Мен ҳар доим шўрва ёки лағмон оламан. Нон ҳам қўшиб беради. Тўяман.

— Шахсан ўзим ва яна кўплаб муаллимлар деярли ҳар куни шу ердан тушлик қиламиз, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Илҳом Сатторов. — Ўртача 300 сўм сарфлайман. Овқатлар тўйимли. Бизни қониқтиради.

Ўқувчи-ю ўқитувчиларнинг мақтовига сазовор бўлган "қўли ширин" ошпаз опани ҳам саволга тутдик:

Миатто

— Нима дейсиз, таомларингизга белгиланган нархлар сарф-харажатларингизни қоплаяптими? Булардан ташқари, шартнома пули ва яна "нафақаю рўзғор" деган гаплар бор?

— Ҳаммасини қоплаяпти. Худога шукр, шу ишнинг орқасидан рўзғор тебратаяпмиз. Биз маҳсулотларни пешма-пеш бозордан сотиб олиб келамиз, — дейди Мавлуда опа. — Борди-ю, маҳсулотлар пишиқчилик пайтида айнан деҳқонлардан сотиб олиниб, ғамлаб қўйилса, таомларнинг нархини бундан ҳам арзонлаштириш мумкин. Ҳаммаси ошпазга боғлиқ...

Дарҳақиқат, Мавлуда опа ҳақ гапни айтди. "Ҳаммаси ошпазга боғлиқ". "Инсофи борнинг бараканси бор" дейди доноларимиз.

Мактаб ошхонасида кичик бир савдо шахобчаси ҳам ташкил этилиб, унда ўқувчи ва ўқитувчилар учун керакли дафтар, қалам, ручка каби ўқув ашёлари ҳам сотилаяпти. Бу ҳам мактаб жамоаси учун қулайлик.

Мактабда 874 нафар ўқувчи, 56 нафар ўқитувчи бор. Шунчалик катта жамоа жам бўлган жойда, албатта, ошхона керак-да.

Ушбу мактабда ўқувчи ва ўқитувчиларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатаётган мактаб ошхонасининг фаолиятидан шундай хулосага келдикки, мактабларда, ҳатто, энг чекка ҳудудларда жойлашган мактабларда ҳам ўқувчиларнинг чўнтакларибоп таомлар тайёрлайдиган ошхоналар ташкил этиш мумкин. Бунинг учун мактаб раҳбарларининг тадбиркорлиги ва уларга туман ХТ ҳамда вилоят ХТБларининг эътибори ва амалий ёрдами керак бўлади.

Абдували ОБИДДИН,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

НОМЗОДНИ ТАНИШ ТАНЛАШ БОШҚА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодлар рўйхати эълон қилинганига ҳам 15 кундан ўтди. Шундан буён сайловда ўз овози муҳим эканлигини ҳис қилган ҳар бир фуқаро номзодларнинг айни пайтгача бўлган меҳнат фаолияти, дастурлари билан танишишга ҳаракат қилгани табиий. Рост-да, эртага энг муносиб номзодга овоз бериш керак.

38-Поп сайлов округи ҳудуди жиҳатидан Наманган вилоятидаги энг йирик сайлов округи ҳисобланади. Округ Поп тумани ва Мингбулоқ туманларининг Гўртепа, Олтинкўл, Момохон, Меҳнатобод, Гулбоғ қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги 64 та сайлов участкаси (2 та ёпиқ участка ҳам мавжуд)ни ўзида бирлаштирган. Шундан 42 та сайлов участкаси Поп тумани ҳудудида жойлашган.

— Округдаги сайловчилар сони 127000 нафар (89000 нафари Поп туманида яшайди)ни ташкил этади, — дейди округ сайлов комиссияси котиби Ўктамжон Муродов.

Мазкур округдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига Халқ демократик партиясидан партиянинг вилоят кенгаши биринчи котиби Муҳаббат Абдуллаева, "Адолат" социал-демократик партиясидан Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори, техника фанлари доктори Набижон Бойбобоев, Миллий тикланиш демократик партиясидан Ўзбекистон Миллий университети маданият саройи директори Жаннатой Тошматова, тадбиркор ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал демократик партиясидан Чуст тумани деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Рустамжон Ҳусаинов, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан Поп тумани Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдужалил Эгамов номзоди қўйилган. Ҳозир ҳар беш номзод ҳам сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришяпти.

Биз сайловчилар ўз номзодларини қай даражада билишлари билан қизиқдик.

Ҳилола ЖЎРАЕВА, Поп маиший хизмат касб-ҳунар коллежи 3-босқич бухгалтерия гуруҳи ўқувчиси, илк сайловчи:

— Биринчи марта сайловда қатнашаман. Устозларимиз сайлов қонунчилиги ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида сайловга оид билимларни бериб келишяпти. Номзодларга келсак, Абдужалил акани танийман. Чунки у шу туманда яшаб, меҳнат қилади. Қолган номзодларни шу пайтгача танимасдим. Негаки, улар бошқа туман ва шаҳарларда яшаб келишган. Набижон ака билан Жаннатой опа ҳам шу ерда туғилиб, ўсишган экан. Лекин, бирлари пойтахтга, бирлари вилоят марказига кетган пайтда биз ёш бўлганмиз. Ҳар бир номзод ҳақида аниқ ва батафсил маълумотга эга бўлганимдан сўнг ўз номзодимни танлайман.

Дилшода ҚОДИРОВА, Поп маиший хизмат касб-ҳунар коллежи 3-босқич тикувчилик гуруҳи ўқувчиси, илк сайловчи:

— Мен ҳеч бир номзодни танимасдим. Ҳозир улар ҳақидаги маълумотларга эга бўляпман. Номзодлар учун айрим саволларим ҳам йўқ эмас. Улар билан бўладиган учрашувда ўша саволларимга жавоб олмоқчиман. Нима бўлганда ҳам биз ёшларнинг пухта билим олишимиз, касб-ҳунар эгаллашимиз учун кўпроқ жон куйдирадиган, ёшлар ҳаётини теранроқ ҳис қиладиган номзодга овоз бераман.

Муҳиддин УЛУҒБОЕВ, Поп туман маданият саройи техник ходими:

— Куни кеча Рустамжон, Муҳаббатхон ва Жаннатойларни биринчи марта кўрдим. Лекин, илгари танимасдим. Абдужалил билан Набижон бир қишлоқнинг одамлари. Уларни авваллан танисам-да, ҳамсуҳбат бўлмаганман.

Маҳмуджон ХОЛДОРОВ, нафақадаги ижтимоий таъминот ходими:

— Жаннатой, Набижонлар ҳамқишлоқларим. Набижон Наманганда, Жаннатой Тошкентда яшаса-да, ҳар иккиси ҳам олий таълим тизимида меҳнат қиладиган зиёли инсонлар. Абдужалил қишлоғимиз оқсоқоли. Муҳаббатхон ва Рустамжонни илгари танимаганман.

Қайси сайловчига овоз бериш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Шунинг учун ҳам сайлов демократиянинг бир кўриниши саналади. Номзод сайловчига аввалдан танишми-йўқми, гап бунда эмас. Энг асосийси, у депутатликка сайлангудек бўлса, келгусида сайловчилари ишончини оқласа бўлгани.

Хуршид СУЛТОНОВ, "Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Сайловга 11 кун қолди



ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олади ва бу ҳақда депутатларни хабардор этади.

Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган шахслар Марказий сайлов комиссиясига Қонунчилик палатаси депутатининг мақомига тўғри келмайдиган вазифаларни ўз зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисида ёзма равишда маълум қилиши шарт.

БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ

— Қандай ҳолларда депутатлик ўрни учун янги сайлов ўтказилади?

— Марказий сайлов комиссияси айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек, депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилади. Сайлов Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланади ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Бунда округ сайлов комиссияси сайловга йигирма беш кун, участка сайлов комиссиялари эса ўн беш кун қолганида тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўн беш кун қолганида тугалланади.

Қонунчилик палатаси ваколат муддатининг тугашига олти ойдан кам вақт қолганида Қонунчилик палатаси депутатининг ўрни бўшаб қолса, бўшаб қолган ўринга янги депутат сайлови ўтказилмаслиги мумкин.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида тайёрланди.

ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Чилонзор туманидаги 401-сайлов участкасида сайловга тайёргарлик жадал суръатда олиб борилмоқда. Ҳамма керакли ҳужжат ва шарт-шароитлар билан таъминланган сайлов участкасида номзодларга овоз бериш хонаси ҳам олдиндан тайёрлаб қўйилган. Бу ерда яна навбатчилик ташкил этилган бўлиб, улар кунлик иш тартибини кузатиб боришади. Бундан ташқари, сайлов участкасида сайлов ҳақидаги барча маълумотлар, янгиликлар ва хабарлар тўпланган.

Сайловчилар рўйхатини олиш бўйича ҳам самарали ишлар олиб борилди. Ҳар битта хонадондан сайлаш ҳуқуқига эга бўлганлар рўйхати олинди.

Жасур ШЕРМАТОВ, ЎзДЖТУ талабаси

«КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ»,

— дейишмоқда ёш сайловчилар

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга сайловлар куни тобора яқинлашмоқда. Матбуотда депутатликка номзодларнинг рўйхати эълон қилингач, бу жараён янада тиғизлашгандек, гўё.

Зомин туманидаги 207-Бирлашган сайлов участкасида ҳам иш қизғин. Сайлов участкаси сайловчилар билан гавжум. Айниқса, сайловда илк марта иштирок этаётган йигит-қизларнинг қизиқиши ўзгача. Участкада 133 нафар ана шундай ёш сайловчилар бор. Биз участкада ёш сайловчилар — Муҳайё Бийтўраева ва Замира Раимқуловаларни учратдик. Уларнинг иккаласи ҳам Зомин тиббиёт коллежининг ўқувчилари.

— Биз икки палатали парламент ҳақида тасаввурга эга бўлдик. Депутатликка номзодлар ҳақида ҳам етарли ахборот олдик. Биз уларнинг муносибини танлаб, келажак учун овоз берамиз, — дейишди улар.

Дарҳақиқат, ёш сайловчилар айтганидек, муносиб номзодлар учун овоз беришнинг аҳамияти катта. Чунки номзодларнинг дастури, имкониятлари бир-бирига ўхшамайди. Уларнинг қайси бири ҳаётга яқинроқ, халқчилроқ — буни ажратиб олиш қийин эмас. 207-Бирлашган сайлов участкасида овоз берадиган 1140 нафар сайловчи буни яхши билади, деб ўйлаймиз.

Сайлов — халқимиз фаровонлиги, юрт тинчлиги, Ватан истиқболи учун хизматга бел боғлаган номзодлардан энг сарасини танлаб олиш имкониятидир. Сайлов шахсий садоқат, таниш-билишчилик, оғайниликни кўрсатиш, яъни сийлов эмас! Аксинча, юрт корига ярайдиган асл инсонларни — номзодларни танлаб олиш имконидир. Бу имкон бекор кетмаслиги керак. Сайловолди ташвиқотлари, номзодлар билан учрашувлар сизнинг танлаш имкониятингизни янада оширади. Дарвоқе, сиз ўз участкангиздаги депутатликка номзодларни яхши биласизми? Ҳали вақт бор — ўз номзодингизни атрофлича ўрганишга улгурасиз. Муносиб номзодларни танлашда асло шошилманг!

Абдусаттор СОДИҚОВ, "Ma'rifat" мухбири

УЧРАШУВ

26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий кенгашларига сайловлар бўлиб ўтишидан хабарингиз бор. Шу кунларда эса жойларда қизғин тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, куни кеча ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетида Тошкент шаҳар депутатлигига қўйилган номзодлар билан учрашув бўлиб ўтди. Буни "Чилонзор" маҳалласи фаоллари ташкиллаштирди.

Номзодларини қўйган депутатлар ўз дастурлари билан иштирокчиларни таништирди. Шундан сўнг номзодлар иштирокчи ҳамда талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Мухлиса МЎМИНОВА, ЎзДЖТУ талабаси

O‘zbek milliy entsiklopediyasida AQSh haqida bir necha sahifada juda to‘liq ma’lumotlar berilgan. Lekin, O‘zbekiston haqida WORLD Bookda shuncha ma’lumot berilganmi?

АҚШ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ — ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Яқинда қўлимга Америка Қўшма Штатлари универсал катта энциклопедияси WORLD Book 2004 edition тушиб қолди. Энциклопедик маълумотларга жуда ўчман. Дарров Ўзбекистонимиз ҳақида маълумот излашга тушдим. Қомуснинг 20-томи 253-254-бетларида Ўзбекистон ҳақида маълумот берилган экан. Қувониб кетдим! Лекин, қувончим узоққа чўзилмади...

Мамлакатимиз сиёсий тизими ва тарихи ҳақида хато маълумотлар берилган экан. Фақат биттагина фотосурат — пахта тераётган аёллар расми (!). Ана Сизга Америка универсал энциклопедиясидаги аҳвол! Таажжуб, нега энди ҳамкорлигимиз ришталари шунчалар жипс мамлакат қомусшунослари юртимиз ҳақида бунақа фикрда экан? Айб америкалик қомусшуносларда ми ёки ўзимизда? Менинг наздимда, айб энг аввало ўзимизда! Тасаввур қилинг, Сиз чет эллик фуқаросиз, Ўзбекистон ҳақида қайси манбалардан маълумот олиш мумкин? Энциклопедиядан, Саёҳатномадан (чет элда саёҳатномалар энг муҳим маълумотнома ҳисобланади), Интернет тармоғидан. WORLD Bookдан олачалпоқ маълумотга эга бўласиз, саёҳатномани ё топа оласиз, ёки йўқ, сўнг Интернет орқали қидирувга тушасиз. Афсуски, Интернет тармоғида ҳам Ўзбекистон ҳақида батафсил маълумот олиш — пўстак орасидан игна қидиришдек гап. Биргина мисол: www.uz сайтида Ўзбекистон Республикаси маълумотлар каталоги жойлашган, лекин Ўзбекистон ҳақида қомусий маълумотлар умуман йўқ. Сайт тўлиқ рус тилида (!), ўзбек тилида айрим маълумотларнигина ўқиш мумкин. Инглиз тилидаги варианти эса, йўқ. Демак, Сиз Ўзбекистон ҳақида бор-йўғи WORLD Bookдаги маълумотга эга бўлдингиз. Бу жуда ачинарли ҳол. Ахир WORLD Bookни бутун дунё ўқийди-ку! Ўзбек миллий энциклопедиясида АҚШ ҳақида бир неча саҳифада жуда тўлиқ маълумотлар берилган. Лекин, Ўзбекистон ҳақида WORLD Bookда шунча маълумот берилганми?

Taajjub

Ўзбекистон Республикаси ҳақидаги маълумотларни, фотосуратларни WORLD Book Inc таҳририятига етказиш шунчалик мураккаб вазифами? Бу борада Ўзбек миллий энциклопедияси таҳририяти барча мамлакатлардаги ҳамкасблари билан маълумот алмашинувини кўнгилдагидек ташкил этса бу каби тушунмовчиликларга барҳам берилган бўлур эди.

Ғайрат ОМОНОВ,
ЖИДУ қошидаги академик лицей ўқувчиси

«ИЖТИМОИЙ ФИКР» ЖУРНАЛИДА ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ

“Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” журналининг махсус сони тақдимоти бўлиб ўтди.

Журнал муассислари “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази ва Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ушбу тадбирни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни ва Инсон ҳуқуқлари халқаро кунига бағишлаб ўтказди.

Аслида “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” журнали 1998 йилдан буён нашр этилмоқда. Аввалги сонлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамси ҳузуридаги ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссиянинг фаолиятига (2000 й.), Фридрих Эберт жамғармасининг (Германия) Ўзбекистондаги иш йўналишлари ва жамғарма билан ҳамкорлик қилишга (2001 йил), “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг беш йиллик фаолияти якунларига (2002 й.), дин ва жамиятнинг ўзаро муносабатларига (2002 й.), ҳозирги жамиятда аёлнинг роли ва гендер (тенглик) масалаларига (2003 й.) бағишланган эди.

Журналда жамиятни ривожлантиришнинг ижтимоий аҳамиятли масалалари бўйича ёшларнинг фикрини акс эттирувчи социологик тадқиқотлар натижаларига ва ёшларнинг ахлоқи, ҳуқуқий маданияти ва сиёсий онгининг шаклланиши билан боғлиқ таҳлилий материалларга катта ўрин берилган.

Тақдимотда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази раҳбари Р.Убайдуллаева, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаевлар иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Мухлиса МЎМИНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

МАКТАБ ЎЙИ — КЕЛАЖАК ЎЙИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг чинакам таянчи ва суянчи бўлиб келмоқда. Шу жумладан, Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги Камолот ЁИҲ бўлими ҳам вилоят ёшларининг ўй-ташвиши билан яшамоқда. Туманда ўтказилаётган тадбирлар, байрамлар, турли мусобақалар Камолот ЁИҲ бўлимисиз ўтмайди. Шу йили Бешариқ туманидаги ибратли, ўз тажрибасига эга бўлган Фурқат номидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг 75 йиллиги нишонланди.

Халқимизда бир ажойиб анъана бор: “Тўйга тўёна билан”. Юқорида айтганимиздек, мактабнинг шонли санаси муносабати билан туман Ёшлар ИҲ “Камолот” бўлими раиси Дилшод Зоҳидовнинг ташаббуси билан мактабнинг кутубхона заҳираси янада бойиди. Гап шундаки, мазкур ташкилот мактаб ўқувчиларига 200 дона янги бадиий адабиётларни туҳфа этди. Бу фақатгина туҳфа бўлиб қолмасдан, балки ўқувчиларнинг билим олиши учун қулайлик туғдиради.

Tashabbus

Мактаб тарихига назар ташлаганда, у ҳашар йўли билан қурилган бўлиб, унда илк бора бошланғич синфлар ўқитилган холос. Бугунги кунда тубдан ўзгарган мактаб тараққиётида устоз раислар Абдумалик Эшматов, Эрғози Султонов, Мамаюнус Мадаминовнинг хизмати катта бўлганлигини бугунги авлод яхши билади.

Халқ учун нондан сўнг энг азизи мактабдир, деган эди донишмандлардан бири. Бу бежиз эмас. Зеро, қаерда таълим-тарбия яхши бўлса, ўша ерда юксалиш бўлади, миллатга, Ватанга керакли, фидойи инсонлар етишиб чиқади. Хусусан, шу мактабни тамомлаган Йигитали Турсунназаров, Умарали Норматов, Аҳмад Ғофуров, Ёрмат Тожиев ва бошқа фан намоёндалари шундан далолатдир. Буни тўғри англаган мактаб раҳбари Абдураҳмон Бобоназаров ҳам мактабни ривожлантириш учун ҳаракат қилмоқда. Ўқувчилар ҳозирда шинам ва ёруғ синфхоналарда таҳсил олишмоқда. Улар ихтиёрида, шунингдек, замон талаби даражасида жиҳозланган стадион, спорт зали, кино зали, кутубхона хизмат кўрсатмоқда.

Албатта, фарзанд камоли ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Шу боис мазкур ташаббуснинг аҳамияти катта. Бинобарин, мактабга ёрдам — миллатга ёрдамдир.

Умида УЗОҚОВА,
ЎзМУ журналистика факультети 1-курс талабаси

Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежида Конституция кунига бағишланган тадбир қувноқлар ва зукколар беллашуви шаклида ташкил этилди. Мазкур беллашув 4 шартдан иборат бўлиб, иштирокчи жамоалар барча шартларни маҳорат билан бажаришди. Беллашувнинг “Танишув” деб номланган 1-шартида Конституция тарихи тўғрисида умумий маълумотлар берилди. 2-шартда жамоалар билимини синаш учун конституциямиз ҳақида савол-жавоблар бўлиб ўтди. 3-шартда эса жамоа сардорлари ўртасида беллашув бўлди. Охирги 4-шартда эркин мавзу бўйича саҳна кўриниши қўйилди. Саҳна кўринишида Конституциямиз асосида қабул қилинган қонунларнинг амалга оширилиши кенг ёритиб берилди. Бунда жамиятимиз учун долзарб бўлган мавзулар кўтарилди.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР НАМОЙИШИ

“ҚАЛҚОН” ҳамда “ФЕМИДА” гуруҳлари иштирок этган бу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишдир.

Ойбек ШОСАИДОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

ЛОЙИҲА НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизнинг Халқаро Бизнес марказида Япония халқаро ҳамкорлик банки томонидан Ўзбекистон Республикаси таълими секторига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Мазкур семинар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташаббуси билан ташкил-лаштирилди. Унда республикамизнинг бир қатор тегишли вазирлик ва идоралари ҳамда хорижий ташкилотлар ваколатхоналари ходимлари иштирок этиб, ўзаро мулоқот уюштирдилар.

Tadbir

Семинарнинг мақсади Япония халқаро ҳамкорлик банки кредити ҳисобига амалга оширилган “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш” лойиҳаси натижаларини ўрганиш ҳамда аниқланган вазифа ва ютуқларини инобатга олган ҳолда келажакдаги режалар хусусида келишиб олишдир. Тадбир давомида иштирокчиларнинг берган саволларига мутахассислар томонидан жавоб берилди.

Ғ.ЖАБИЕВ

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

Маълумки, Ўзбекистон БМТнинг гиёҳвандликка қарши кураш Конвенциясига жиддий эътибор қаратиб, бу муаммога давлат аҳамиятига молик масала деб қараётган давлатлардан биридир.

Куни кеча “Дедеман” меҳмонхонасининг мажлислар залида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш халқаро тадбирида иштирок этувчи давлатларнинг масъул вакиллари қатнашдилар.

Халқаро келишув ва шартномаларга мувофиқ келган мажбуриятларга эга бўлган ҳолда Ўзбекистон Республикаси наркобизнес билан шуғулланувчиларга қарши чора-тадбирларни қабул қилди.

Жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб, ИИВ ҳамда АҚШ Адлия вазирлигининг Гиёҳвандликка қарши кураш Агентлиги ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида олти ойлик махсус халқаро операция ўтказилмоқда.

Ўтган икки ойлик тадбирлар натижасида бир кг.дан ортиқ опий ва 500 гр. героин ушлаб қолинди, бир тоннадан ортиқ гиёҳванд моддалар эса, йўқ қилинди.

Юқорида келтирилаётган бу рақамлар ортида миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолингани ва юртимизда рўй бериши мумкин бўлган қанчадан-қанча кўнгилсизликлар, жиноятларнинг олди олинганлиги йиғилишда яна бир бор таъкидланди. Журналистларни қизиқтирган саволларга масъул шахслар жавоб бердилар.

Назокат ХОЛМЕТОВА

ЯНГИ УЙ МУБОРАК!

Тошкент кимё-технология институти талабалари яқин вақтга қадар эски, таъмирталаб ётоқхонада яшашарди. Энди эса уларга зарурий жиҳозлар билан таъминланган талабалар уйи хизмат қила бошлади. 260 талабага мўлжалланган бинода бир ва икки кишилик хоналар мавжуд бўлиб, ошхона, кутубхона, дам олиш хоналари ташкил этилди. Яқин орада ётоқхонада компьютер марказини очиш ҳам режалаштирилмоқда. Талабалар ўз ҳисоботлари, курс ва диплом ишларини шу ерда ёзиш имкониятига эга бўладилар.

Янги ётоқхонанинг очилиш маросими байрамга айланиб кетди. Жиҳоз ва буюмларнинг янгилиги, хоналарнинг шинам ва ораста-лиги талабалар қалбига умумий мулкка нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳиссини солди. Институт ректори, кимё фанлари доктори, профессор С.Туробжонов бир неча кун давомида Россия пойтахтида бўлиб, ўқитувчи ва талабалар Д.И.Менделеев номидаги кимё-технология университети ва М.В.Ломоносов номидаги кимё-технология академиясида малака оширишга боришлари учун шартномалар тузганлигини, ўз навбатида москвалик талабалар ҳам Тошкентга келиб тегишли корхона ва олий ўқув юртлари иши билан танишишлари ҳақида маълум қилди.

МУХБИРИМИЗ

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Замонавий санъат Марказида “Терроризм ва гиёҳвандлик — цивилизацияга таҳдид” мавзусидаги фотокўргазма ўз ишини бошлади. Москва ахборот агентлиги ташкил этган ушбу кўргазмада 1996, 1999 йилларда Москва, 2003 йилда Ставрополь, 11 сентябрда Нью-Йорк, 2004 йил 4 сентябрда Беслан шаҳарларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари акс этган фотолавҳалар кўргазманинг асосини ташкил этади.

Ундан ташқари, Россия, Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа давлатларда гиёҳвандликка қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар тасвирланган суратлар ҳам ўрин олган.

Фотосуратлар ўзининг таъсирчанлиги ва оригиналлиги билан томошабинни жалб этади.

Кўргазма 18 декабргача давом этади.

Шаҳноза ШОЖАЛИЛОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Milliy istiqlol g'oyasi

МЕҲР-МУРУВВАТ ВА МИЛЛИЙ ҚИЁФА

Ўзбек халқининг "меҳр" сўзи ўз туғишганларига, яқин кишиларига ва умуман, одамга бўлган самимий муҳаббат, шунингдек, кишиларга шафқат ва раҳмдиллик кўрсатиш маъносида тушунилади. "Мурувват" – одамгарчилик юзасидан қилинган яхшилик, саховат, ҳиммат ҳисобланган.

"Миллий қиёфа" масаласидаги жиддий фикрлар эса, энди шаклланмоқда. Бундай қиёфанинг ўзи, аллақачон шаклланган ва эътироф этилган.

Хўш, унда нима учун бу масалага сўнгги пайтларда яна ва яна қайтилмоқда? Гап шундаки, яқин пайтларгача ўзбек миллий қиёфасининг шаклланганлиги шубҳа остига олинар эди. Шунингдек, у ёки бу миллат миллий қиёфасининг йўқ дейилиши мазкур миллат устидан мустамлакачилик сиёсатини олиб бориш учун жуда қўл келар эди.

Дарҳақиқат, истилочиликлар ва сиёсий-мафкуравий тазйиқлар жуда кучайган шўро мустабид тизими даврида миллий қиёфа тўғрисида нафақат гапириш, ҳатто у тўғрисида ўйлашнинг ўзи мумкин эмасди. Бунинг сабаби эса, тушунарли эди: миллий қиёфага эга халқ эркин, ҳур бўлишга лойиқ.

Уч минг йиллик буюк давлатчилик тарихимиз, муқаддас "Авесто"нинг юртимизда пайдо бўлганлиги, "мусулмон маданияти" марказининг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашганлиги, Буюк Ипак йўли ва Шарқ Уйғониш даври цивилизациясининг Ватанимиз тақдирига боғлиқлиги — буларнинг бари миллий қиёфанинг **аввал-азалдан** шаклланганлигига гувоҳдир. Қолаверса, мамлакатимиз ҳудудида кўплаб илмий-маърифий йўналишларнинг юзага келганлиги, кейинчалик уларнинг бутун дунёда илм-фан, ижтимоий ривожланишга туртки бўлганлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

Ўзбек халқининг узоқ минг йилликлар тарихи бу юртда кучли маънавий-маърифий ва мафкуравий пойдевор яратилганлигидан далолат беради. Оддий инсоний фазилатлар, бир-бирини ҳурматлаш, иззат-икром кўрсатиш, адолатли жамият қуриш, ўзаро ҳамжиҳатликда яшаш, мавжуд муаммоларни жамоавий тарзда ҳал этиш – буларнинг бариси ўзбек халқи миллий характеридаги ўзига хос хусусиятлардир.

Бировга яхшилик қилиш, савоб учун иш бажариш ва бундан маънавий қониқиш ҳосил қилиш дунёдаги барча халқларга ҳам тегишли эмас. Ўзбек азалдан ўзганинг муаммосини ўзиники сифатида қабул қилган. Ўзгага кўмак бериб бундан маънавий "манфаат" топган авлод-аждодларимиз айрим пайтларда панд еган вақтлари ҳам бўлган.

Жумладан, ишонувчанлик, самимийликни ҳамма ҳам тўғри тушунавермаган. Шу ўринда Ватан туйғуси, халқ самимияти, меҳр-оқибати, мурувватини ўзида акс эттирган Билга хоқоннинг фалсафасига эътибор бериш лозим. У Ватанни сақлаб қолиш фақат ўзига эмас, халққа ҳам боғлиқлигини таъкидлайди. Ўта ишонувчан бўлмаслик, бошқаларнинг гапини мулоҳаза қилиб иш юритиш, самимийлик билан ёлғоннинг фарқини билиш лозимлигини инсон учун жуда зарур сифатлар, деб билади.

Яна шу нарса муҳимки, аждодларимиз тарихида маълум мезонлар, қонунлар, низомларга амал қилиш муҳим аҳамият касб этган. Мавжуд муаммоларни ҳал этишда тартиб-интизомга амал қилиш, жамоавий муҳитда яшаш кўникмасини ҳосил қилиш, виждон ва адолат қоидаларига риоя этиш ўзбек миллий қиёфасининг таркибий қисми бўлган.

Ўзбек халқи маълум мезонлар, виждон, меҳр-оқибат, адолат асосида фаолият кўрсатганлигини юқоридаги мисолдан ҳам билса бўлади. Улар ўз ҳатти-ҳаракатларида виждон ва адолатни бош мезон сифатида қадрлаганлар. Жиноятчи, жамиятда беқарорликни вужудга келтирганлар, ахлоқсизлик содир этганлар ҳам қонун олдида, ҳам жамоатчилик олдида жавоб берганлар. Бошқача сўз билан айтганда, қадимдан ҳар бир фуқаро ўзи ва жамият олдида шахсий масъулиятни ҳис этган. Бу ҳол, табиийки, ўзбек миллий қиёфасидаги муҳим сифатдир.

Ўзбек миллий қиёфасининг туб моҳиятини, шунингдек, Ватанга содиқлик, миллатпарварлик, қадимий урф-одат, анъана, қадриятларга содиқлик ташкил этган. Қадимдан аждодларимиз давлатлар ва халқлар ўртасидаги мавжуд муаммоларни муроса йўли ва тинчлик билан ҳал этишга аҳамият берганлар. Ҳар бир қарич ер, чўлу адир, боғу тоғ муқаддас ҳисобланган. Шу ўринда турк хоқонларидан бири душманнинг оғир шартларига кўнгани ҳолда бир бўлак чўл парчаси учун жангга фармон беради. "Тупроқ миллатнинг илдизидир, уни қандай берайин?!", дейди.

Миллий қиёфанинг шаклланиши миллат ва Ватан тарихининг барча босқичларида давом этди. Айрим даврлар борки, бу пайтда миллий қиёфада янги, сифат ўзгаришлари юзага келади. Бундай қиёфада маънавий-мафкуравий ўзгаришларнинг юзага келиши эса, ўша халқнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳамда ўзини-ўзи ривожлантириш учун рағбат топа билганлигида кўринади.

Шу нуқтаи назардан Амир Темур ва темурийлар даври хусусида тўхталмасдан илож йўқ. Амир Темур даврининг ўзбек миллий қиёфасини шакллантиришдаги ўрни ва роли шу билан изоҳланадики, бу босқичда юртимизнинг бошқа давлатлар ва халқлар билан алоқалари кучайди. Маълумки, маданият миллий қиёфанинг аслиятидир. Амир Темур бу феноменал ҳолатга юксак эътибор берган. Бу даврдаги халқимиз маданияти бошқа халқлар маданияти билан эркин айирбошлашуви ва алоқадорлиги билан ажралиб турган.

Шу ўринда Амир Темурнинг ҳолатларга янгича тарзда муносабатда бўлиш талаб этилмоқда. "Тўғри, — дейди Президент И.Каримов, — Мовароуннаҳр сарҳадларига узоқ тарихимиз давомида не-не босқинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, бошқа асрлар давомида юртимизга не-не ўзга сулолалар ҳукмронлик қилмаган дейсиз. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми? Эрондан Аҳмонийлар, Юнонистондан Александр келди. Арабистондан Қутайба, Мўғулистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин халқ қолди-ку. Хўш, бунда қандай сир-синоат бор? Халқ қандай ички куч-қудратга таяниб ўзлигини сақлаб қолди? Қадим-қадим замонлардан ўтроқ яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюк маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини муқаддас билгани учун эмасми?".

Дарҳақиқат, миллий қиёфа миллат, халқининг ҳимоя қалқони, уни бало-қазолардан асровчи, янги мақсадлар, буюк келажак учун ундовчи куч-қудратдир.

Ўзбек халқининг миллий қиёфасини йўқотиш учун ҳаракат Россия мустамлакачиларининг давлат дастури даражасида олиб борилди. Бу йўлда, айниқса, Россиянинг чекка ўлкаларидан қолоқ рус мужикларини мамлакатимиз ҳудудига кўчириш сиёсати алоҳида аҳамият касб этди. Масалан, 1916 йилда Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятларида 330 та рус аҳолисидан иборат яшаш ҳудудлари ташкил этилди. Умуман, шу даврга келиб Туркистон ўлкасига кўчирилган руслар сони 750 минг кишини ташкил этди. Таъкидлаш керакки, бундай сиёсат шўро мустабид тузуми даврида ниҳоятда режали равишда амалга оширилди.

Маълумки, ҳар қандай халқ, элатнинг миллий қиёфасини шу халққа мансуб бўлган, унинг манфаатлари учун хизмат қилиб, қайғурадиган зиёлилар яратади. Бошқача сўз билан айтганда, зиёлилар адиблар, шоир-ёзувчилар, журналистлар, ўқитувчилар, илм-фан фидоийлари, маданият-санъат арбоблари кўп бўлган халқнинг миллий қиёфаси доимо маънавий бой, руҳан-ахлоқан мустаҳкам бўлади.

Бу нарсани яхши билган мустамлакачилар эса, ҳар доим ҳам миллий зиёлиларга қарши кураш олиб борганлар, уларнинг "овозини ўчириш"га ҳаракат қилганлар. "Чиғатой гурунги", "Ботир гапчилар", "Миллий иттиҳод", "Миллий истиқлол", "Қизил қалам", "Темур гуруҳи", "Гап", "Кўр каламуш" каби жадидлар, миллий истиқлолчи, озодлик ҳаракати гуруҳларининг тор-мор этилиши, мустабид тизим маддоҳлари томонидан "Миллатчи-реакционер" деб аташларининг сабаби ҳам шунда.

Назаримизда қуйидаги мисоллар "Қизил империя" мафкурачиларининг ўзбек миллий қиёфасини йўқ қилишдаги ҳаддан ташқари кучли ҳаракатига муносиб баҳо беради, деб ўйлаймиз: 1936 йилдан илгари ва 1937 йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан 5758 нафар зиёли — журналист, ёзувчи, ўқитувчи, давлат, жамоат арбоблари "аксилинқилобчи", "миллатчи", "халқ душмани" сифатида қамалдилар, уларнинг 4811 таси отиб ташланди. Бундан ташқари, биргина 1937-1939 йиллар орасида қамоққа олиниб, отиб ташланган 6920 та зиёли онгишууридаги асосий мақсад миллий қиёфани сақлаб қолиш, мустақилликни қўлга киритиш эди.

Умуман, миллатнинг руҳий-маънавий куч-қудрати бўлган миллий зиёлиларга қарши кураш шўро мустабид тизими даврида бирор дақиқа бўлсин, асло тўхтамади. Айниқса, жадидларга қарши ҳаракат, "космополитизм" шиори остидаги мафкуравий жанг, "врачлар иши", 50-йиллардаги миллий қадриятлар, маданий меросга қарата отилган "сиёсий ўқлар", 60-70-йиллардаги ривожланган социализм ғоясини "ҳимоя қилиш" жараёнлари, 80-йиллардаги "Ўзбеклар иши", "Пахта иши" кабилар ўзбек миллий қиёфасини йўқ қилиш, миллатнинг миллий, руҳий, ахлоқий сифатларини хиралаштиришда жуда машъум роль ўйнади.

Мустақиллик йиллари ўзбек миллий қиёфасида мустамлакачилик даврида маълум даражада йўқотишларга маҳкум этилган қадриятларни қайтадан тиклаш даври бўлди. Аммо, шу нарсани афсус-надоматлар билан қайд этиш лозимки, мустамлакачилик ўзининг оғир оқибатларини, машъум изини қолдирган эди.

Ана шу нарсага эътибор беришимиз лозимки, мамлакатимиз ҳукумати, Президентимиз миллий қиёфамиздаги айрим йўқотишларнинг ўрнини тўлдириш, уни янги сифатлар билан бойитишга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Шу ўринда "Меҳр ва мурувват йили" дастури асосида амалга оширилаётган ишларнинг мазмуни-моҳиятини таҳлил этишни жуда зарур, деб биламиз. Хўш, кишилар ўртасида меҳр ва мурувват қадриятларини тиклаш орқали нимага эришиш мумкин? Унинг миллий қиёфани янги сифатлар билан бойитишга нечоғлик алоқаси бор?

Биринчидан, Меҳр ва мурувват йили орқали биз мустамлакачилик даври сарқити сифатида қолган инсоннинг қадр-қимматини менсимаслик каби ярамас иллатларга барҳам бермоқдамиз.

Иккинчидан, сиёсий-мафкуравий жараёнлар кучайган шароитда одамлар ўртасида тобора йўқолиб борган меҳр-мурувват, оқибат, бир-бирига ёрдам кўрсатиш, ҳолидан хабар олиш каби инсоний фазилатлар тикланмоқда. Ахир, азалдан ўзбек миллий қиёфасининг муҳим жиҳатини муҳтожларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ва ундан қониқиш ҳамда баҳра олиш ташкил этган-ку!

Учинчидан, "Меҳр ва мурувват йили"да миллий қиёфамизга соя ташлаб турган айрим салбий ҳолатларга барҳам берилаяпти. Масалан, шундай ҳолатлардан бири — тафаккуримизда, айниқса, ёшлар тафаккурида ислоҳотларнинг секин бориши, одамларимизнинг айрим қисмида ўзини ўзгартиришга бўлган эҳтиёжнинг камлигидир. Бу — ёшларда фаолсизликнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, ўзбек миллий қиёфасида ҳар доим ҳам изланиш, яратиш муҳим ўрин эгаллаган. Бироқ мустабид тузум даврида ёшларимизда боқимандаликдан иборат руҳият юзага келди. Дунёга қанча-қанча аллома-ю мутафаккирлар етиштириб берган халқ эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Президентимиз ҳам ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди, деб бежиз бот-бот таъкидламайдилар.

Икки муҳим ҳолат — ўзбек миллий қиёфасини янги сифатлар билан такомиллаштириш ва шу орқали одамларда бир-бирига меҳр-мурувватли бўлиш, яхшилик, меҳрибонлик қилишни ўзининг оддий фуқаролик бурчи сифатида ҳис этиш кўникмасини пайдо қилиш долзарб вазифа сифатида ҳал этилмоқда. Энг муҳими ҳам ана шунда.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Kitoblarning hajmi juda katta va vazni ham og‘ir. Agar bir kunda o‘quvchi 6 soat o‘qisa, 6 ta darslik, bir-ikkita masala yechish qo‘llanmasi, 6 ta sinf daftari, 3-4 ta uy vazifa daftari va hokazo, bularni o‘quvchilar sumkasiga sig‘dirib bo‘lmaydi va og‘irligi to‘g‘ri kelmaydi.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 1997 йил 29 августда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг 9-сессиясида сўзлаган нутқида “Биз дарслик яратишга энг илғор ва энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик яратган одамларни бошимизга кўтаришимиз керак. Дарсликларни, агар керак бўлса, катта танлов асосида яратиш лозим. Танлов ғолибларидан маблағни аямаслигимиз керак”, дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 2-сифат босқичида айнан дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 ноябрдаги “2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида”ги 548-сонли қарори бунга яққол мисол бўла олади.

Мухбиримиз республика Таълим маркази директори Ислом Зокиров билан Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори қабул қилингунга қадар бу борада бажарилган ишлар ва истиқболда қилинадиган вазифалар хусусида суҳбатлашди.

ДАРСЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

— Суҳбатимизни мамлакатимиз раҳбарининг “2004-2009 йилларида мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги фармонини бажариш ҳамда умумий ўрта таълимнинг янги таҳрирдаги ДТС талабларига жавоб берадиган замонавий ўқув адабиётлари, ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлаш, нашр этиш ва умумтаълим мактабларини улар билан таъминлашнинг комплекс тизимини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган 548-сонли қарори юзасидан қилинаётган ишлар ва бу борадаги РТМнинг режалари ҳақидаги фикрларингиз билан бошласак.

— Аввало, айтиш жоизки, республика Таълим марказининг барча ходимлари ўртасида Вазирлар Маҳкамасининг 548-сонли қарори ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2004 йил 2 декабрдаги 252-сонли буйруғи мазмунини чуқур таҳлил этган ҳолда махсус ўқув ташкил этилди. Шу билан бирга 2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплекслар нашр этишнинг тасдиқланган прогноз кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили 1 ноябрга қадар келгуси йилда нашр этилиши мўлжалланган ўқув адабиётларнинг аниқ рўйхатини тегишли фан бўлимлари билан келишган ҳолда тайёрлаш ва Халқ таълими вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим этиш режалаштирилди. Умумий ўрта таълимнинг такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ҳамда дарсликларга нисбатан янгиланган методик талаблар асосида ўқув адабиётларининг қарорда келтирилган муддатларда яратилишини таъминлаш ҳам асосий вазифаларимиздан биридир. Шунингдек, таълим жараёнини ахборотлаштириш бўлими томонидан тегишли фан бўлимлари билан келишган ҳолда Таълим марказининг 2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ юқори самарали мультимедиа тизимлари ҳамда ўқув адабиётлари ва қўлланмаларининг компьютер электрон турларини яратиш чора-тадбирлари дастури тайёрланади. Илмий-методик кенгашлар ва нашриётлар билан ишлаш бўлимида эса умумтаълим мактаблари учун яратилаётган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари, методик талабларга мувофиқлигини доимий равишда малакали экспертлар томонидан таҳлил этиш ва баҳолашни таъминлаш мақсадида марказнинг штатлар жадвали доирасида Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг экспертизасини ташкил этиш сектори ташкил этилади.

— Дарслик мазмуни ва сифатида нашриёт, муаллиф ва босмахонанинг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу борада қарор чиққунга қадар қандай ишлар амалга оширилди? Умуман, дарслик яратишни мақсад қилган муаллифларга қандай талаблар қўйилади?

— Халқ таълими вазирлиги томонидан Осиё Тараққиёт Банки лойиҳаси доирасида ДТС ва замонавий дизайн талабларига мос равишда умумий ўрта таълим мактаблари учун танлов асосида яратилган дарсликларнинг янги авлоди нашрдан чиқди. Танлов натижасида дарсликларнинг мазмуни, таълим усули, дизайни, нашр сифати яхшиланди ва такомиллаштирилди. Дарсликларнинг янги авлодини яратиш мақсадида республика бўйича салоҳиятли мутахассислар ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли марказларида малакаларини ошириб келдилар, дарслик муаллифларининг қалам ҳақини тўлаш тизими қайта кўриб чиқилди. Оқибатда дарслик яратувчи муаллифлар сони ортди. Дарсликларни танлов асосида яратиш орқали муайян натижаларга эришилди.

Дарслик ўқувчиларнинг давлат стандартида ва ўқув дастурида белгилаб берилган билим, малака ва кўникмаларини фаол ва онгли суръатда ўзлаштиришга ёрдам берувчи, ўқув тарбия жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган асосий восита ҳисобланади. Шу боис мактаб дарслигининг олдига таълим мақсадларига, давлат таълим стандартларига мос келиш; ўқувчиларда мустақил фаолият кўникмаларини ривожлантириш; ўзлаштирилган билимларни кундалик турмуш амалиёти билан боғлаш; ўқувчига ўз-ўзини ёки ўқитувчига ўқувчилар билимини баҳолаш ва назорат қилиш имкониятларини яратиш каби бир талай вазифалар қўйилади. Шу билан бирга дарслик яратишда бир қатор дидактик ва методик тамойилларга амал қилиниши, дарслик мазмунига, тилига қўйиладиган талаблар ҳисобга олиниши зарур. Дарслик муайян йўналишдаги билимлар беришдан ташқари ўқувчиларда оламни, табиат ва жамиятни идрок этишга оид табиий ва ижтимоий фанларга тегишли тушунчаларни шакллантириши лозим. Шу боис дарслик яратишда мамлакатимизда орттирилган бой тажрибалар, шунингдек, бу борадаги ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айни пайтда РТМда умумтаълим мактаблари учун дарслик яратувчи ёш муаллифлар гуруҳи шакллантирилиб, улар билан доимий ўқув ташкил этиш жадвали ишлаб чиқилди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда таълим қозоқ тилида олиб бориладиган 581 та, тожик тилида олиб бориладиган 312 та, туркман тилида олиб бориладиган 64 та ва қирғиз тилида олиб бориладиган 57 та умумий ўрта таълим мактаблари фаолият юритаяпти. Улар дарсликлар билан қай даражада таъминланган? Бу борадаги мулоҳаза ва таклифларингизни билдирсангиз.

— Юртимиз истиқлолга эришгандан кейин таълим қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилида олиб бориладиган мактаблар учун тил-адабиёт бўйича ўқув дастурлари ва дарсликларини маҳаллий муаллифлар кучи билан яратишга киришилди.

Дарсликларни яратиш бўйича истиқбол режа ишлаб чиқилган бўлиб, айни пайтда таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун 1-6-синф, қирғиз мактаблари учун 1-4-синф, тожик мактаблари учун 1-5-синф, туркман мактаблари учун 1-4-синф тил-адабиёт дарсликлари яратилиб, босмадан чиқарилди ва мактаблар ушбу дарсликлар билан таъминланди. Қолган синфлар учун дарсликларни 2009 йилгача ёзиб тугатиш истиқбол режа асосида белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари РТМ методистлари кучи билан қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларига таржима қилиниб, “Овози тожик”, “Нурли жол” газеталарида чоп этилди. Таълим қирғиз ва туркман тилида олиб бориладиган умумтаълим мактаблари учун расмий хат асосида жойларга етказилди. Тил ва адабиётдан ташқари бошқа ўқув фанлари бўйича дарсликлар нашриётлар кучи билан таржима қилиниб, белгиланган тартиб асосида таълим муассасаларига етказилмоқда. Ўзига хос (оригинал) дарсликларни яратишда ҳам, таржима дарсликларнинг нашри жараёнида ҳам РТМ мутахассислари иштироки тўлиқ таъминланиб, барча нашриётлар билан мустаҳкам ижодий мулоқот ўрнатилган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш ўринлики, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаб ўқувчилари учун дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда қардош республикаларнинг муаллифлари билан ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, таълим тожик тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синф “Алифбо” ва “Китоби хониш” дарсликлари Тожикистон Республикаси академиги А.Лутфуллаев ва ўзбекистонлик олимларнинг ижодий ҳамкорлигида яратилди. Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун “Она тили” ва “Адабиёт” дарсликларини яратиш бўйича маҳаллий мутахассисларнинг камлиги туфайли юқорида қайд этилган тажрибани амалиётга жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Таълим қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун дарсликлар яратиш мақсадида вилоятлар марказларидаги олий ўқув юртларидаги қардош тиллар факультетлари ўқитувчилари билан ҳамкорлик ўрнатилди. Шунингдек, бошқа қардош тиллар бўйича энг фаол амалиётчи ўқитувчилар, методистлар жалб этилиб, ўқув курсида уларнинг иштироки таъминланди.

Халқ таълими вазирлиги томонидан дарслик ва унинг методик қўлланмаларини танлов асосида яратиш натижасида малакали, истеъдодли ва ёш муаллифлар кашф этилди; муаллифлар ва нашриётлар ўртасида ўзаро соғлом рақобат вужудга келди; дарсликларнинг нафақат мазмуни, балки полиграф ва нашр сифати ҳам экспертлар томонидан баҳоланди; дарсликлар мазмунига 4 йил давомида ўзгариш киритилмаслиги кафолатланди; дарсликлар нархи арзонлашди.

— Ислом ака, аслида дарсликларнинг янги авлоди қандай бўлиши лозим ва унинг мазмунига қандай талаблар қўйилади?

— Ўқувчи қўлига бериладиган дарсликнинг сифатли, мукаммал бўлиши ДТС талабларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. 2000 йилгача амалда қўлланилиб келинган дарсликлар таҳлил қилинса, қуйидагилар кўзга ташланади: китобларнинг ҳажми жуда катта ва вазни ҳам оғир. Агар бир кунда ўқувчи 6 соат ўқиса, 6 та дарслик, бириккита масала ечиш қўлланмаси, 6 та синф дафтари, 3-4 та уй вазифа дафтари ва ҳоказо, буларни ўқувчилар сумкасига сиғдириб бўлмайди ва оғирлиги тўғри келмайди. Дарслик асосан баён усулида ёзилган. Бир мавзу 3-4 бетни қамраб олган. Она тили ва адабиёт дарсликларида расмлар йўқ деса ҳам бўлади. Қоғоз сифати паст ва ҳарфлари ҳам майда. Дарсликдан ўқувчилар асосан уй вазифасини тайёрлашда фойдаланарди. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўйлашга ундайдиган материаллар йўқ ҳисоби эди. Расмлар асосан оқ-қора бўлиб, кўпгина деталларни англаб бўлмасди. Шу боис 2000 йилдан бошлаб дарсликларнинг янги авлоди яратила бошланди. Ундаги асосий ўзгариш — дарслик ўзининг ўқитиш методикаси билан биргаликда тайёрланмоқда. Ўқитувчи учун чиқарилган методик қўлланмаларда ҳар бир мавзунинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда педагогик технологияси келтирилади. Дарсликларда ўқувчини қизиқтириш мақсадида матнлар ва иллюстратив материаллар мутаносиблиги йўлга қўйилган. Қоғози, тикилишида сифат ўзгаришлари рўй берди. Яна қўшимча сифатида айтиш керакки, дарсликларда ўқувчиларни мустақил фикрлашга, амалий ишларни бажаришга йўналтирилган топшириқлар, материаллар берилиши керак. Дарсликларнинг китоб кўринишига параллел равишда электрон версияси яратилиши лозим.

Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси мажлисининг 2004 йил 28 февралдаги баёни қарорига биноан умумий ўрта таълим мактаблари учун тасдиқланган жорий ўқув режа асосида 24 та фан йўналиши бўйича амалда қўлланилаётган дарслик ва ўқув қўлланмалар қайта экспертизадан ўтказилди. ДТС, ўқув дастурлари ва дарсликлар экспертизасида нафақат олимлар, балки мутахассислар, амалиётчи ўқитувчилар ва методистлардан иборат гуруҳлар фаолият кўрсатиб, дарсликлардаги хато ва камчиликлар юзасидан батафсил мулоҳазалар билдирилиб, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар берилди. Шу асосда 24 номдаги ДТС ва ўқув дастурлари қайта ишланди ва такомиллаштирилиб, жорий йилнинг 28-29 октябрида тажриба-синов бўйича барча вилоят вакиллари билан бирга илмий-амалий семинар ўтказилди. Бундан ташқари, дарсликларнинг мазмун жиҳатидан такомиллаштирилиши учун талаб ва мезонлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда халқ таълими вазирининг кўрсатмасига биноан 2005—2006 ўқув йилида қўллашга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларидаги айрим мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида барча вилоятлардаги ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналардан сўровнома орқали фикр олиниб, ушбу фикрлар муаллифларга етказилиб, РТМ методистлари мазкур дарсликлар муаллифлари билан бирга ишлаб, келажакда мавжуд камчиликлардан холи ҳолда нашр этиш режалаштирилди.

Шерали НИШОНОВ суҳбатлашди.

Qaror va ijro

ИНСОН КЎРКИ — ОДОБ

Юртимизда Ислом университетининг ташкил этилиши маънавий ҳаётимиздаги улуғ воқеалардан бири сифатида тарихга мухрланган эди. Мазкур дорулфунунда илм олган талабаларнинг бугун жамиятимизнинг турли соҳаларида фаол хизмат қилаётганларининг гувоҳимиз. Бу демак, Ислом университетининг дастлабки меваларидан баҳраманд бўляпмиз. Университетда талабаларга илм бериш билан бирга «Зиё» студиясининг, «Тошкент Ислом университети» нашриётининг ташкил этилиши эса, нур устига аъло нур бўлди. «Зиё» студиясининг республика тедевидениесида намойиш этаётган доимий кўрсатувлари ёшларнинг динни тўғри англашларида хизмати беқиёсдир. Айниқса, бу йилги Рамазон ойидаги кўрсатувлар айни муддао бўлди. Ифтор чоғи берилган бу кўрсатувлардан ёшу қари мамнун эканлигини алоҳида таъкид этиш керак.

Университет нашриёти олиб бораётган ишлар бошқа илмий даргоҳлар учун ибрат, десак арзийди. Қуръони карим маъно таржимасининг чоп этилиши ва яқинда айрим зарур таҳрирлар билан қайта нашр этилиши Исломни ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиздир.

Яқинда нашриёт яна икки китобчани ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди. Шулардан бири «Билим — имон чироғи», иккинчиси «Инсон кўрки — одоб». Шу университет муаллими, таниқли арабшунос олим ва таржимон Абдуҳафиз Абдужабборов Қуръони карим оятлари ва шарафли ҳадисларни тўплаб, таржима қилганлар. Ҳар икки китобча фақат Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни ўрганишда муҳим омиллардан бири бўлибгина қолмай, балки ёш авлод тарбиясида қўлланма сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Исломга ҳам, жамиятга ҳам ёт нарса жоҳилликдир. Жоҳиллик динни ичдан емиради, жамият тараққиётига тўсқинлик қилади. Диндаги мутаассиблик, бугунги кунда турли оқимларнинг яшаётгани ҳам айнан шу жоҳиллик мевасидир. Аввалги жамиятда дин илмни инкор этади, деб тушунтиришга уриниш бўларди. Йўқ, дин илмни инкор этмайди. Аксинча, одамларни илм олишга даъват этади ва буни фарз, яъни бажарилиши мажбурий амал даражасига кўтаради. Ислом дини илм олишни бешикдан то қабрга қадар деб белгилайди. Яъни, одам туғилганидан то сўнгги нафасига қадар илм ўрганиши шарт. Намознинг фарз қилиниши 8-12 ёшдан экани эътиборга олинса, илм олишнинг аҳамиятини тўғри англаган бўламиз. «Билим — ақл чироғи» китобчаси билан танишган ҳар бир тарбиячи ёки ўқувчи бунга ўзи гувоҳ бўлиши мумкин.

«Дин» дейилганда биз баъзан мавҳум бир нарсани хаёл қиламиз. Дин мавҳумлик эмас. Дин — тўғри тарбия, дин — насиҳатдир. Қуръони каримнинг оятлари, ҳадиси шарифлар одамларни тўғри яшашга даъват этувчи насиҳатлардан иборат. Қуръонни фақат биров вафот этганда ўқилади, деб юрувчилар ҳам бор. Ҳолбуки, Қуръони карим — тириклар учун. «Инсон кўрки — одоб» рисоласини қўлга олсак, бунга яна бир карра ишонамиз. Мазкур рисолада одамларнинг бир-бирларига муносабатлари, муроса, кўшничилик одоблари, садақа, сахийлик, ҳаё каби чиройли хулқлар Қуръони каримдаги оятлар ва ҳадиси шарифлар мисолида акс этган.

Мазкур рисолалар ҳар бир хонадонда бўлса, ҳар бир тарбиячи танишиб чиқса, иш фаолиятида фойдаланса, деган умид туғилди бизда. Шу китобчалар билан «Маърифат» газетхонларини таништириш мақсадида икки-уч оғиз сўз айтишни ва айрим саҳифаларни тақдим этишни лозим кўрдик.

Тоҳир МАЛИК

«БИЛИМ — АҚЛ ЧИРОҒИ» КИТОБИДАН

«Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурму?» («Қуръони карим, «Зумар» сураси, 9-оят)

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганлар:

— Пайғамбарлар бир динор, ҳатто бир дирҳам ҳам мол-дунё мерос қолдирмаганлар. Улар илмни мерос қолдирганлар. Ўша меросдан насибадор бўлганлар буюк бахтга муяссар бўлганлардир.

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганлар:

— Ҳар нарсанинг ўз йўли бор, жаннатнинг йўли — билимдир.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Бир олимнинг мажлисида қатнашиш минг ракаат (нафл) намоз ўқишдан, мингта касални зиёрат қилишдан, мингта жанозада қатнашишдан афзал, — дедилар.

— Қуръон ўқишдан ҳамми, Расулуллоҳ? — деб сўрадилар.

Айтдилар:

— Қуръоннинг нафи ҳам фақат илм билан-ку?

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганлар:

— Битта илмий анжуман Аллоҳ наздида юзта ғазотдан афзал.

Ас-Саврийдан сўрадилар:

— Илм афзалми ё жиҳод?

Дедилар:

— Ният яхши бўлса илмдан афзал ҳеч нарса йўқ.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедилар:

— Аллоҳ таоло айтган: «Менинг наздимда илм фазилати ибодат фазилатидан аълодир».

Афлотун айтган:

— Ҳар ким ҳам инсон бўлавермайди. Инсон — илми ва одоби билан инсон.

Али ибн Абу Толиб (р.а.) айтдилар:

— Илм мол-дунёдан афзал, чунки мол-дунёни сен қўриқлайсан, илм эса, сени қўриқлайди. Молни сарфласанг камаяди, илмни сарфласанг кўпаяди.

Ал-Ҳасан айтадилар:

— Аллоҳ таоло Қуръонни фикр қилиб тушуниш, унга амал қилиш учун нозил қилган. Баъзилар эса, уни тиловат қилишни етарли ҳисоблаб, ўзларига ҳунар қилиб олганлар. (Замахшарийдан)

Ибн Аббос ривоят қиладилар:

— Довуд ўғли Сулаймон алайҳиссаломга илм, мол-дунё ва подшоҳлик тахтидан хоҳлаганингни ол, дейишибди. У зот илмни танлаган эканлар, мол-дунё ҳам, тахт ҳам қўшиб берилибди.

*— **Халил ибн Аҳмад айтганлар:***

— Одамлар тўрт хил бўлади:

1. Билади ва билишини билади. У – олимдир, унга эргашинг.

2. Билади, аммо билишини билмайди. У ғафлатда, уни уйғотинг.

3. Билмайди ва билмаслигини билади. У йўл бошловчига муҳтож, йўл кўрсатинг.

4. Билмайди, билмаслигини ҳам билмайди. У – жоҳил, ундан узоқ бўлинг. (Ғаззолийдан)

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганлар:

— Умматимни икки нарса – илмни тарк этиш ва мол-дунё йиғиш ҳалок қилиши мумкин.

"ИНСОН КЎРКИ - ОДОБ" КИТОБИДАН

"Бир-бирингизга фазлу мурувват қилишни унутманг. Аллоҳ нима қилаётганингизни кўриб-билиб туради". (Қуръони карим, "Бақара" сураси, 237-оят.)

"Бунинг (неъматларимнинг) эвазига мен фақат яқинларингизга меҳр-муҳаббатли бўлишингизни талаб қиламан". (Қуръони карим, "Шўро" сураси, 23-оят.)

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Аллоҳ раҳмли бандаларигагина раҳм қилади.

— Меҳр кўргазмаган меҳр кўрмайди.

— Раҳмдилларга раҳмон раҳм қилади. Сиз ердагиларга раҳмли бўлсангиз, сизга Осмондаги меҳрибон бўлади.

— Дуоси ижобат бўлиб, ғамғуссадан фориғ бўлишни истаган киши қийин аҳволда бўлган кимсанинг мушкулини осон қилсин.

— Кичигимизни иззат, каттамизни ҳурмат қилмаган бизнинг умматдан эмас.

— Ёшлигида кексаларни ҳурмат қилган кишига унинг ўзи улғайганида иззат-ҳурмат кўрсатадиганларни Аллоҳ белгилаб қўяди.

Бир киши Расуллулоҳ (с.а.в.)-га ўзининг тошбағирлигидан шикоят қилди. Расулуллоҳ:

— Етимнинг бошини силагин, мискин-бечораларнинг қорнини тўйғазгин, қалбинг юмшайди, — деб маслаҳат бердилар.

Расулуллоҳ (с.а.в) дедилар:

— Бева ва бечораларнинг ғамини ейдиган киши Аллоҳ йўлида жиҳод қилган билан баробар бўлади.

— Бетоб бирodарини кўргани келган киши жаннат йўлидан келгандек бўлади. Бемор ёнида ўтирганида унга Аллоҳнинг марҳамати ёғилади. Эрталаб келган бўлса кечгача, кечқурун келган бўлса эрталабгача етмиш минг фаришта унга салавот айтади.

«ЖИНОЯТНИНГ УЗУН ЙЎЛИ»

Хонадонда фарзанднинг туғилиши - Оллоҳ насиб этган улуғ неъматга эга бўлиш беқиёс бахт ҳисобланади. Бола туғилиши билан ота билан онанинг, бобо билан бувининг ва бошқа қариндошларнинг қалбида ширин бир умид ҳам туғилади. Энди хонадон келажакда ушалажак умид билан яшай бошлайди. Бу умид баъзан тилга кўчади: «Фарзандимиз фалон-фалон мартабаларга эришсин...» каби ниятлар айтилиб, дуолар қилинади. Фарзанд улғая борган сайин қалбдаги умид қанотларини кенг ёяверади.

Ана шунда... Худо кўрсатмасину... аммо, кимларнингдир қалбларидаги умид қанотлари беҳос синади. Кутилажак бахт қора тунга, шодлик қайғуга айланади.

Ана шунда... «Бу фожиага ким сабабчи?» «Фожиа қачон бошланган эди?» деган саволларга жавоб излаш бошланади.

Ана шунда... Айбни ўзимиздан эмас, бошқалардан қидирамиз.

Қалбда ширин умиднинг туғилгани яхши. Хайрли дуолар янада яхши. Бироқ, фарзанднинг бахтиёрлиги учун бу кифоя эмас.

Ҳеч ким боласи туғилганида «Болам ўғриликни касб этсин» ёки «Гиёҳвандларга қўшилсин», деб умидвор бўлмайди. Дуо ҳам қилмайди. Афсуским, айрим ҳолларда яхши умиди ушалмай, кутмагани бир фожиага йўлиқиб, доғда қолади.

Нега шундай?

Яқинда суд идорасида бир кишининг ҳўнграб йиғлагани диққатимни тортди. У суд ҳукмидан норози бўлиб, «Ўғлим ўғри эмас, у моллarни сотган холос, ўғирланганини билмаган», деб йиғларди. Унга кимдир ачинарди. Кимдир эса... Биз ҳам ачинамиз. Ҳар ҳолда ўзи емай едириб, ўзи киймай кийдириб, боласининг оёғига тикон кирса ўз қалби яраланган ота ёки онанинг бундай фожиага дуч келгандаги аҳволини тушуниш керак. Лекин, бу жиноятга олиб келган **у з у н** йўлни ҳам диққатдан қочирмаслик лозим. Биз **«узун»** сўзига бежиз урғу бермадик. Шунчаки «Жиноят йўли», деб қўйсак ҳам бўларди. Ўйлаб қаралса, баён қилганимиз жиноятнинг тарихи узун эмасдек: кимдир ўғирлик қўрамиз.

молларни олиб келиб бергану йигитча сотаётганида қўлга тушган. Бу воқеа учун ота ёки онани ҳам айблаб бўлмас. Лекин, масалани чуқурроқ таҳлил этсак, ўзгача манзарани

Бу — эл ардоқлаган ёзувчи Тоҳир Маликнинг янги — «Жиноятнинг узун йўли» асаридан олинган парча. **Асар тўла ҳолда газетамизнинг 2005 йилги 1-сонидан эълон қилина бошланади.** «Жиноятнинг узун йўли» қуйидаги бўлимлардан иборат:

Биринчи бўлим: Остона
Бурилиш нуқтаси ёки «ким айбдор?»,
Бўйсунмас болалар,
Бўш вақт,
«Мен» — ўзликни англаш,
«Қил кўприк»
Иккинчи бўлим:
Жиноят кўчасининг очиқ дарвозаси,
Жарроҳнинг тиғи,
Нақадар шафқатсизсан, эй ёруғ дунё!
Ассалом, озодлик ёхуд ишончсизлик дунёси.

ANONS

«Raqs — ulug‘ mo‘’jiza. Mo‘jizaki, inson bolasi tilda aytolmaganlarini o‘ynab aytadi. Men bor-yo‘g‘i uch marta davrada raqsga tushganman: «Dilxiroj», «Lazgi» va gruzinchaga».

Bu — so‘z.Dunyo so‘zdan yaralgan. Olamning ibtidosini so‘z deyishadi, intihosini so‘z deyishadi. Kuy va so‘zning qorishig‘i esa — qo‘shiq bo‘ladi. Qo‘shiq — mo‘’jizalarning mo‘jizasi. Dunyo — yagona qo‘shiqdir.

ГУЛХАН ЎЧМАГАН КЕЧА

I.

«Дўмбирам қўлга ушлайин, Ёронлар кўнглин хушлайин, Дардимни тингланг, халойиқ, Шуйтиб, достоним бошлайин.

Ҳуу, азизлар.

Айтмоқ биздан, эшитмоқ сиздан. Ёлғон сўйламаймиз, чин айтамиз. Уялмоқ керак қора кўздан...».

Югурик мезон шамоли хаёл каби чопқиллайди. Япроқлар гуноҳлар мисоли тўкилади. Тераксор маҳзун-маҳзун шитирлайди.

Новвойтепага ёндош бетлар кенг. Сокин кўз тунида Вахшиворсой ҳам ҳазинликка кўмилгандек гўё.

Ўртада чирсиллаб гулхан ёнади. Гулхан теварагини олиб ўтирган тингловчиларнинг бор вужуди қулоққа айланади.

Бахши достон бошлайди.

Олам ягона қўшиққа сингийди...

ТОҒАМНИНГ ТЎЛИҚИШИ

Ёз ойида қишлоққа бордим. Кўп нарсани соғиниб, албатта. Қишлоқда меҳр-оқибатга ҳали занг тушмаган. Барибир, ҳеч бўлмаса тўрт киши сўрайди:

«Э, бормисан. Қайларда катта бўляпсан?»

«Ҳа, шу...»

«Телевизорга қарайман, кўринмайсан».

«Ҳа, энди...»

«А, чиқиб тур, ҳар-ҳар замон!..»

«Хўп».

Кейин бўлса, ўз мулоҳазаларини тўпоричасига айтмоққа шошишади.

Шуниси ёқади-да, одамга.

«Юлдуз опанг қандай? «Доддаманг»лаб юрибдими, ҳали ҳам. Ортиқни кўрсанг айтгинки, қишлоқдагилар сизни соғинишибди. Гастрол-пастрол қиларкансиз, дегин. Яна...» Ким билсин, мени Тошкандни қўлида тутиб турган киши деб ўйлашадиёв. Билишмайдики, ўша айтган ҳофизу ҳофизаларини камина ҳам эл қатори радиода тинглагайман, холос.

«Ай, барака топкурлар. Мен бор-йўғи бир талабаман», — деб бақиргим келади. Аммо нимадир йўл бермайди.

Сўнг эса, уларнинг гапларини жимгина тинглаймаку, дуоисаломларини етказмоққа ваъда бераман.

Ғаг айланиб яна қўшиқчиларга тақалади.

«Э, буларам қўшиқчими-а», — дейди кечагина тоғдан энган чўпон тоғам. «Бир парчагина нарсани... хаҳ, оти нимайди? Ҳа, дискет, дискет!.. Шугина нарсани олиб тўйма-тўй чопишади. Мана, ўзимизнинг Рўзибой ҳофиз. Тушпа-тузук живой айтиб юрувди. Ҳайиткўл Тошкентга бизнесмен бўлгани кетгач, ҳалигисини чалади ким одам қолмаган-да. Энди, буям дискетга ўтиб олибди. Ҳар тарафлама қулай эмиш. Э, буларни магнитофондан нима ками қолди? Ўзинг айт, жиян...»

«Ҳа, энди, замон ўзгаряпти...»

Тоғам чўпонлигида боради. Чапараста қилиб сўкади.

Гапни бошқа томондан айлантираман:

«Тоғда ўт зўрми, тоға?»

«Худойим тиш яратгандан сўғин, ариқда ажриқ ҳам беради-да».

«Дўмбирангиз тургандир?..»

«Э, дўмбира ҳар бир ўзбекнинг уйида бўлиши керак. Айтса-айтмаса тўрда осиғлиқ туриши шарт. Ҳозиргилар буни қайдан билишсин. Бари қулоғига ичакдай бир нима осиб олишган. Нуқул, чет эл мусиқаларини эшитишади. Майли, ёқтиришса тинглашсин. Аммо аввал ўзимизникилардан хабардор бўлишлари лозим-да, жиян. Бўларинг бўлса, бизникиларни писанд қилишмайди-ми-эй, билмадим. Бориб-бориб икки ўртада қолишади. Ўзбекликдан чиқишиб, чет эллик бўлиша олмайди. Ана санга пиласопия, мана санга пиласопия. Бargдаги ёмғирни шеър қилиб ёзгунча, ёз шуларни!..»

Кулимсираб қарайман.

Гап қишлоқнинг бошқа икир-чикирларига кўчади.

II.

«Ҳуу, бирodарлар.

Эскилар, элдан ажралгунча, этдан ажрал, деган. Эл қўлламаса, эшак бозорга даллол ҳам бўлолмассан. Эл кўнглига қарайсанг. Эл «Алпомиш»ни сўради. «Алпомиш»дан айтамиз-да.

Ўн минг уйли Қўнғирот элдан, ҳозирги Сурхон воҳасининг дили Бойсун туманининг бундан минг йил илгариги номи Хўжаиканд эди. Янтоқлари шакар-қанд эди. Шу сабаб Хўжаиканд аталган. Алпомиш шундай юртда даврон суриб ўтди...!»

Осмонда нимхира ой сузади.

Новвойтепадан пасти қишлоқ, юқориси залворли тоғ тизмалари. Арчалар туннинг сукунатида мастона-мастона чайқалади. Хўжабақрқўҳ қояси улуғвор ва салобатли. Изғирингга қариндош еллар киши юзларини ялайди. Отасининг қўйнида ўтирган болакайнинг телпаги кўзига тушиб кетаверади. Асли телпак акасиники. Шу сабаб ҳозирча катталик қилади. Аммо, у ҳар гал кўзини очишдан эринмайди. Ва бутун вужуди билан достон эшитади.

Боиси — ота-буваси бахшини тинглаб келган. Қонида бор. Суяк суради.

Гулхан теварагида ўтирганлар нафасни-да секин олишади.

Сабабики, бу кеча бир киши айтади.

Қолган барча тинглайди...

ТЎЙХОНАМИ, ҚЎЙХОНА?!.

Ўзбек пул топса, тўй қилади.

Асли ёшликдан одамови бўлиб ўсганман. Шунинг учун тўйларга ҳам кам борардим. Лекин, шу сафар деярли ҳамма тўйни кўрдим. Бориб жимгина кузатдим.

Буни қарангки, даврада ўртакашнинг нима дейиши ҳам, қўшиқчининг қандай қўшиқ айтмоғи ҳам аҳамиятсиз экан. «Тинг» этган товуш бўлса бўлди. Рақс қизигандан қизийди. Устасига барибир экан-да...

Яқинда бир оғайним айтиб қолди:

«Рақс — улуғ мўъжиза. Мўъжизаки, инсон боласи тилда айтолмаганларини ўйнаб айтади. Мен бор-йўғи уч марта даврада рақсга тушганман: «Дилхирож», «Лазги» ва грузинчага». Ўзимни ўйладим. Ва рақсни ўрганмай туриб, ҳеч қачон даврага кирмасликка аҳд қилдим.

Ўтган қишки таътилда ҳам битта тўй ёдимда қолган.

Роса ртутбатли кеча эди. Ёмғир ҳам тўй кунини кутиб юргандек челаклаб қуйган. Қишлоқда электр чироғи ўчган. Ҳаммаёқ тиззагача лой. Движок орқали ёритилган давра атрофида эса, 200 тача ёш-яланг. Даврани энди, айтмаса ҳам бўлади. Ҳамма хумордан чиқ-қунча ичган. Кимлар лойга ағнаган. Раққосага талашиб урушган. Тўй ҳофизаси эса, бир қўлда шамсия туттан кўйи қуйлаганлар:

«Ўзингдан айланай, бободеҳқоним

Ўзингдан ўргилай, бободеҳқоним.»

Уйга қайтиб кеттанман.

III.

«Ҳуу, яхшилар.

Шуйтиб, Бойсарихон тубал қўйни сўйди, тепадан ўчоқни ўйди. Ўзининг оқсоқол-ақобирларини чақириб:

«Ай халойиқ. Мана, қоиндан талашиб тушган акам мандан закот сўради. Ўз акамга закот бергунча, ўзга юртга бориб ҳамма қўйимни ҳам олдирсам розиман. Кетдик, бу ерлар энди бизга ҳаром», — деб юртни бузиб, қайдасан Туркандарё деб, молларини тортиб жўнаётган жойи экан:

Осмонда ой адо бўлди,
Жўғи-жоби тўда бўлди.
Бек захридан зада бўлди
Бу йиғламай, ким йиғласин — Элатидан жудо бўлди...»

Кимдир, ўҳҳ, деди.

Билдирмай кўз қирларини ташлашди. Ва ўзларини сезмаганга олишди. Боиси — бу одам ўзга қишлоқлик эди. Кенжа фарзанд бўлганди. Ўзи битта акаси мерос даъво қилгач, орияти кўзраб қишлоқдан бош олиб чиқиб кетганди. Ўша ерларга илдиз отганди.

Бахшининг сўзи юракнинг юрагига бориб тегди-да...

«РАЪНО»ЛАР НЕГА КАМ?

Муҳаббат бугунги кун ҳукмидек саёз туйғу эмас. У ўткинчи шамолдек тез ўтиб ҳам кетмайди.

Ҳаммамиз ҳам ўн саккизга кирганмиз-ку, ахир.

Дунёдаги энг гўзал қўшиқ — муҳаббат ҳақида қалбдан айтилган қўшиқдир. Бу қўшиқ қайси ерда, қайси тилда айтилмоғи аҳамиятсиз. У сарҳадлар оша муҳаббатнинг буюклиги ҳақида гувоҳлик беради. Айтайлик, Алла Пугачёванинг рассом йигит ва соҳибжамол қиз ҳақидаги қўшиғини ҳамма яхши кўриб тинглайди. Чунки, бу қўшиқ муҳаббат ҳақида айтилган энг чиройли хонишдир. Мен қиёматдан бир соат олдин ҳам кимдир ушбу қўшиқни тинглашига ишонаман. Боиси — қиёматдан бир кун олдин ҳам кимдир кимнидир севиб қолади. Эшитишимча, Наманган тарафларда ўз севганига уйланолмаган йигитлар, тўй кунигача фақат «Гулбадан»ни қўйишар экан. Атайин, баланд қилиб қишлоққа эшиттиришар экан.

Асл айнимаслиги шу-да, бирodар.

Яқинда Тошкентга келишимда бир йигит сафардош бўлиб қолди. Ёшимиз тенг бўлгани учун гап дарров севги мавзусига кўчди. Ва йигит бир киши ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

Бир полвон раис бўларкан. Тўйда ичса бўлди, дарров Ботир Зокировнинг «Раъно»сини буюртма қилдираркану бошини столга тегизганча тинглар экан.

Айтишларича, бир замонлар елкаси ер кўрмаган бу полвон унча-мунча рақибни рақиб демас экан. Талаба бўлган пайтларида эса, Раъно исмли қизни севиб қолибди. Қизнинг ошиғи саноқсизу танлагани битта бўлгани учун ҳар усул билан ҳам қизнинг кўнглини юмшата олмабди. Раъно бошқа йигитга тегиб кетибди. Буюк ҳофизнинг қўшиғи эса, унга паноҳ тутар макондек бўлибди. У фақат шу қўшиқни тинглар ва ўзга қўшиқни қўшиқ ҳисобламас эмиш. Қисқаси, бу полвон раис яқинда яна бир тўйда гартак олибди. Ва отарчи боладан «Раъно»ни сўраттирибди. Отарчи узр сўраб, бу қўшиқни айтолмаслигини, чунки мусиқаси дискетда йўқлигини айтибди. Ва ҳозир ҳеч қаерда ҳеч ким бу қўшиқни сўрамаслигини ҳам илова қилибди. Жавоб обкетиб, ўтдай туташиб, қошлондай чилпиниб, баданини овуқ ваража кириб, от ўйнатиб, Бойбўрининг қошига келиб:

«Ҳу қиблагоҳим. Очилиб гуллар сўлибди. Қиёмат кунлар бўлибди. Суюкли Барчин ёрим қалмоқларнинг қўлида қолибди. Менга оқ фотиҳа беринг, бормасам бўлмайди», — деб эди, ота-да:

«Ҳу болам-а. Қизил гуллар сўлгани йўқ, кетар ақлинг келгани йўқ, билакда гўштинг тўлгани йўқ. Мени десанг қалмоқ юртига бормайсан. Қайтага Қўнғирот элининг менман деган сулув қизлари бор. Шуларнинг бирини олиб берсам қайтади?» — деди.

Ҳакимбек: «Ҳу, ота, қандай деганингиз бўлди. Қалмоқларнинг қўлида мунгли бўлиб қолган ёримни ташлаб, мен бу ерда уйлансам, бундан яшамаганим афзал. Рухсат берсангиз ҳам, бормасангиз ҳам кетаман. Ёримни ажратиб келаман», — дегандан сўнг Бойбўри «омин» деб қўлини кўтариб фарзандига дуо берди. Ана шунда Ҳакимбек дарғазаб бўлиб, чибор отнинг белига миниб, оёққа узангини илиб, Барчинниинг таърифини қилиб, қайдасан-а алпларнинг юрти, деб бораётир:

Озлар қолди ораси,
Қирқилди товнинг дараси
Чибор отин ҳайдайди
Кўнғирот элнинг сараси».

Салобатли тоғлар сукунат тўнига ўранган. Тим қора тун қўйнида Хўжабақрқўҳ чўққиси оқариб хиёл кўзга ташланади.

Тингловчиларнинг илиги қизийди. Завқланишади. Ва баробарига жўр бўлишади:

«Ҳа-а, дў-ў-ўст!..»

«Қўймайсан, Бойбўрининг ули, қўймайсан!..»

«Эзимиздинг Алпомиш-да, бу!..»

Завқли-завқли хитоблар бахшининг белига белбоғ бўлади. Овозига овоз қўшади.

Тоғ-тош кўз тунини тилкатилка этади.

ПОПАЙ ЗЎРМИ, ГЎРЎҒЛИ?!.

Асли ҳаммамиз бир-биримизга жуда ўхшаймиз.

Сиз ҳам, биз ҳам бола бўлганмиз.

Баҳору кузда чиллак, зувиллатар, қулоқчўзма ўйнаганмиз. Томма-том юриб варрак учирганмиз. Ит уришториб, ёқалашиб катта бўлганмиз.

Ёки сиз қўлга чўп олиб ари уясини қўзғамагансизми? Ё ҳовлингизда беҳилар ерга салом бергудек бўлиб пишиб ётганида жўралар билан беҳи ўғирлагани бормаганмисиз? Атай ўзини кўрмасликка олган қоровулнинг ношудлигини масхара қилиб, тўғда беҳи кўммагансизми?

Шунақа. Шукур Холмирзаев чин айтади: «Биографиямиз нақадар ўхшаш».

Маъсум нигоҳларда умрингда бошқа тополмаганинг — поклик яшайди.

Борлиқ оқ ва қора рангда кўринади. Қаҳрамон эса, иккита бўлади: Кенжа Ботир ва ёвуз дев.

Қулоғимиз остида отларнинг дупури, қиличларнинг жаранги мисоли тоғдан энган акс-садодек шундоққина қайтарилади. Бениҳоя улуғ олам — афсоналар олами. Афсонасиз улғайган болалик — болалик эмас.

Беихтиёр ўйлаб қоламан. Бугунги авлод-чи? Бугунги авлод афсонани тинглашдан кўра унинг мултфильмини кўриб қўя қолишни афзал кўришади. Буларнинг тасаввур оламида Гўрўғлию Аваҳонлар яшамайди. Буларнинг билгани ҳазилкаш Попайу аллақандай Анпанманлар.

Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» қиссасида бош бўринга ҳурматсизликнинг ниҳояси нима бўлиши ёзиб қўйилган.

Гўрўғлию Кунтуғмишлар бизга бегона эмас. Асло бегона эмас. Улар бир замонлар давр суриб ўтган бош бўғинимиз. Сиз ва бизнинг. Шундай. Бош бўғинларимиз достон бўлишган. Достон бўлишга арзиб яшашган.

V.

«Ҳуу, оқиллар.

Шуйтиб, Ойтовука Ҳакимбекнинг унгурини тутатиб Бойчиборнинг бурнига тутиб эди, одамдан ақлли жонивор эгасининг тирик эканлигини билиб уч марта гулдираб кишнади. Оёққа ғул урилган, кўзи бойланган, таблога жойланган эди. Бойчиборнинг кишноғини эшитган Ойтовука занжирларни чечиб эди, жонивор яшиндай учиб кетди. Тикка бориб чоҳнинг бошига келди. Тўрт оёғини кериб, одам ўтиргандай қилиб ўтириб, думини чоҳга ташлаб, бир-икки селтанглатди.

Шунда Алпомишнинг кўнгли бузилиб, устухони эзилиб: «Ҳай, аттанға. Вафодорликда одам ҳайвончa эмас экан-да», — деб, отнинг ёлини тавоф қилиб, мард бўлса ҳам кўзидан ёш милтиллаб чиқиб кетди. Билакни думига ўраб, Бойчиборга маъмуз бераяпти. Жонивор эгасини чоҳдан силкиб-силкиб тортаётган жойи экан:

Дунё ёруғи кўринди
Алпомишнинг кўзида,
Эсган шамол урилди
Чоҳ оқартган юзига
Қулоқ берди Бойчибор
Унинг майли бўзига...»

Тун яримдан ўтди.

Қуруқ ўтинлар оловнинг тафтига дош беролмай чирсиллаб-чирсиллаб ёниб кўя берди.

Тингловчилар чопонига тузукроқ ўраниб, кўзларини чала юмган кўйи бахшининг сўзига қулоқ берадилар.

Ҳурлик қўшиқ бўлади...

КЎНГИЛ ҚАЛҚМАСА, БЕКОР...

Авжи баҳорда адирлаганмисиз?

Саврнинг эпкинлари борлиқни эркалаган замонларда, қуёшнинг нимхира нурларига қоришиқ момо ер ҳиди кўкларганда, чўғдек товланган қизғалдоқлар бутун-бутун тепаликларда рақсга тушганида қирдан туриб ўз қишлоғингизга қараганмисиз?

Бир тўйиб нафас олаверасиз-а? Тўғрими? Мана шундай лаҳзаларда кўксингиз нечоғли тўлиқса, ОЗОДЛИК сўзини тинглаганда ҳам шундай тўлиқади. Озодлик инсонга тирикликдан сўнг ато этилган бахтдир.

Асли, ҳурлик нима эканлигини тутқундан сўраш керак. Ишонаманки, у гапиролмайди. Йиғлаши мумкин, лекин ҳеч нима айтолмайди.

Боиси — сўзнинг салобати босади.

Ватан. Озодлик. Она.

Бу улуғ сўзларни кўзимиздек авайлайлик. Уларни қалбимизнинг энг мусаффо жойида сақлайлик. Тилга камроқ чиқарайлик. Шундоғам, бугун ҳис-туйғусиз, юзаки айтилаётган шеъру қўшиқлар касри туфайли бу каломларнинг қиймати тушган. Ранги сийқалашган. Улуғлигига дарз кетган.

Уволдан қўрқиш керак.

VI.

«Ҳуу, елкадошлар.

Шуйтиб, Алпомиш зару заптхонаси, тўпу тўпхонаси билан от ўйнатиб, сувлуқ чайнатиб, уч кеча-кундуз йўл тортиб, сўнгра куни чошгоҳда Оқсув дарёнинг бўйига келди. Билдики, тос манглайи шўр бўлган, Бойбўри отаси кўр бўлган, мамлакатга Ултонтоз бек бўлган эди. Жондан азиз сингlиси Қалдирғоч Ёдгор етим билан даштда қўй-эчки боқиб юрибди. Буларни эшитиб, Алпомишнинг кўнглига гап келди: «Ҳай аттанға, етти йиллар чоҳда ётган, тупроқдан овқат этган, Мулла Ҳаким. Қавму қариндошнинг бошига не кўргуликлар тушибди. Буларни зулмдан мен озод қилмасам, ким озод қилади», — деб, ўтдай туташиб, Бойчиборни ўйнатиб Оқсув дарёсининг кечувига қараб от солаётган жойи экан:

Ётиб-ётиб куч олиб
Душманлардан ўч олиб
Олтилар тўқли, сакқиз қўй
Ёдгоржонга инчи олиб
Шундайлар, келдим-ай устингдан
Йўл бер, Оқсувнинг дарёси...»

Тоғдан энмиш эпкинлар ёввойи арча ҳидини ияртиб келади.

Самода Зуҳро юлдузи балқийди.

Гулхан бир меъёрда чирсиллайди. Телпаги юзига тушган болакай отасининг қўйнида ухлаб қолади. Бахши авжланган-дан авжланади. Новвойтепани қўшиқ олади...

ОМОНАТНИ АСРАНГ...

Олам мўъжизаларга лиммо-лим. Фақат кўнгил кўзи билан кўра олсанг бас. Уларни англай олсанг умрингга мазмун битади.

Оҳанг, куй чинакам топилдиқ, ҳақиқий кашфиёт ва албатта, улуғ мўъжизадир. Дарахт шохларининг шитирлаши, қушларнинг сайраши, сойнинг шовқини, барча-барчаси илоҳий оҳангдир. Дунёда яна бир мўъжиза бор. Унинг-да, улуғлиги куйдан кам эмас.

Бу — сўз.

Дунё сўздан яралган.

Оламнинг ибтидосини сўз дейишади, интиҳосини сўз дейишади.

Куй ва сўзнинг қоришиғи эса — қўшиқ бўлади.

Қўшиқ — мўъжизаларнинг мўъжизаси.

Дунё — ягона қўшиқдир. Бутун борлиқ битта қўшиққа жо бўлган. Атрофимизни ўраган нимарсаю кимарсаларинг ҳамма-ҳаммаси тангрининг айтган қўшиғидир.

Шоир Азиз Бек ёзганидек:

«Осмон-мовий қўшиқ
Ер — қўнғир қўшиқ
Қуёш — қайноқ қўшиқ
Ватан — ҳизрий қўшиқ
Гул — рангин қўшиқ
Балиқ — сокин, денгиз— сал ғамгин қўшиқ».

Тахайюл ойнаси тиниқлашади. Шууримиз бир неча лаҳзага ўзининг эркига бўйсунади. Ва англай бошлашимиз билан ҳайратимиз зиёда бўлади:

«Тоғлар — асрий қўшиқ,
Тоғлар — гунг қўшиқ
Майса — мунгли қўшиқ,
Ялпизлар — «ёр-ёр»
Ўйноқи қўшиқдир — жилға ва қушлар;
Чумоли — чилдирма чертиб айтилган тирикчилик ҳақида лапар...».

Битта қўшиқдан бино бўлган қўшиқчалар. Худди парчаланган юлдуз мисоли моҳиятга томон интилади.

Ҳаттоки...

«Шамол — зўр, Қалдирғоч — ундан зўр қўшиқ,
Эркпараст кўнгиллар бўлган жўр қўшиқ.
Чақмоқ — чала қўшиқ,
Авжга чиққанда
Торнинг қай бир тори узилиб кетган
Ё ёрилган ногоҳ чирманда...»

Ҳукм эса, секин-аста ривожланиб борган — ҳомила. Гўё зинапоялардан юқорилаган киши каби: Булар шунчаки бир қўшиқ эмас:

«Ҳар қўшиқ — бир ҳарфки
Барин жамласанг
Алифбо бўларкан Ғайб китобига».

Қўшиқнинг салобати тоғдан залворлироқ эканлигини англагандирсиз. У барча махлуқотдан кўра илоҳийроқ эканлигини ҳис қилгандирсиз.

Оллоҳнинг карами кенг. У қанча-қанча бандаларига истеъдод бериб қўйибди. Бу истеъдодлар — Оллоҳнинг омонати. Омонатга хиёнат қилиш эса...

Ўзингизга ҳавола.

VII.

«Ҳуу, дўстлар.

Мана шунда Алпомиш ўз тахтига бориб ўтирди. Тўрт томонга жарчи қўйди. Жарчилар Қўнғирот султони Алпомиш келганини элга ёйди. Замон кимники — Алпомишники бўлди. Шу вақт Алпомиш қўлига созини олиб, шу нағмага солиб куйлай берди. Желиб-желиб халқига қараб, оёғини тираб, олти ой элига яна тўй бериб, бир сўз деб турган экан:

Ҳакимбек келди элига
Парли сари ёй қўлида
Гап келди ширин тилига
Бойсарибекнинг моллари
Қўшилди қўнғирот молига».

Тонг оқариб келди.

Шафақ қонталаш бўлди.

Гулхан чўғга айланди

Бахши ўрнидан туради. Дўмбирасини қўлига олиб, отини минганча йўлга тушади. У эл ичида кезиб достон айтади.

Тингловчилар эса, якка сўқмоқ йўлдан қишлоққа энадилар.

Умид ЁКУБОВ

---

[1] Достоннинг матни ва шеърлари бахши Хушбоқ Мардонақул ўғли вариантидан олинди. «Алпомиш». Тош.: «Ёзувчи» нашриёти. 1998 й.

Badia

Ой — илиқ қўшиқ
Дарахт — хизрий қўшиқ
Гул — рангин қўшиқ
Балиқ — сокин, денгиз— сал ғамгин қўшиқ».

Тахайюл ойнаси тиниқлашади. Шууримиз бир неча лаҳзага ўзининг эркига бўйсунади. Ва англай бошлашимиз билан ҳайратимиз зиёда бўлади:

«Тоғлар — асрий қўшиқ,
Тоғлар — гунг қўшиқ
Майса — мунгли қўшиқ,
Ялпизлар — «ёр-ёр»
Ўйноқи қўшиқдир — жилға ва қушлар;
Чумоли — чилдирма чертиб айтилган тирикчилик ҳақида лапар...».

Битта қўшиқдан бино бўлган қўшиқчалар. Худди парчаланган юлдуз мисоли моҳиятга томон интилади.

Ҳаттоки...

«Шамол — зўр, Қалдирғоч — ундан зўр қўшиқ,
Эркпараст кўнгиллар бўлган жўр қўшиқ.
Чақмоқ — чала қўшиқ,
Авжга чиққанда
Торнинг қай бир тори узилиб кетган
Ё ёрилган ногоҳ чирманда...»

Ҳукм эса, секин-аста ривожланиб борган — ҳомила. Гўё зинапоялардан юқорилаган киши каби: Булар шунчаки бир қўшиқ эмас:

«Ҳар қўшиқ — бир ҳарфки
Барин жамласанг
Алифбо бўларкан Ғайб китобига».

Қўшиқнинг салобати тоғдан залворлироқ эканлигини англагандирсиз. У барча махлуқотдан кўра илоҳийроқ эканлигини ҳис қилгандирсиз.

Оллоҳнинг карами кенг. У қанча-қанча бандаларига истеъдод бериб қўйибди. Бу истеъдодлар — Оллоҳнинг омонати. Омонатга хиёнат қилиш эса...

Ўзингизга ҳавола.

VII.

«Ҳуу, дўстлар.

Мана шунда Алпомиш ўз тахтига бориб ўтирди. Тўрт томонга жарчи қўйди. Жарчилар Қўнғирот султони Алпомиш келганини элга ёйди. Замон кимники — Алпомишники бўлди. Шу вақт Алпомиш қўлига созини олиб, шу нағмага солиб куйлай берди. Желиб-желиб халқига қараб, оёғини тираб, олти ой элига яна тўй бериб, бир сўз деб турган экан:

Ҳакимбек келди элига
Парли сари ёй қўлида
Гап келди ширин тилига
Бойсарибекнинг моллари
Қўшилди қўнғирот молига».

Тонг оқариб келди.

Шафақ қонталаш бўлди.

Гулхан чўғга айланди

Бахши ўрнидан туради. Дўмбирасини қўлига олиб, отини минганча йўлга тушади. У эл ичида кезиб достон айтади.

Тингловчилар эса, якка сўқмоқ йўлдан қишлоққа энадилар.

Умид ЁКУБОВ

---

[1] Достоннинг матни ва шеърлари бахши Хушбоқ Мардонақул ўғли вариантидан олинди. «Алпомиш». Тош.: «Ёзувчи» нашриёти. 1998 й.

Jamiyatdan ajralib qolayotgan dilporalarga najot qo'lini cho'zish, umidlar uyg'otish, imkon qadar dardlaridan xalos etib, ko'pning safiga qo'shish, ana shu ezguliklarni bolajonlar nigohi oldida ado etib, ularning ham dilida yaxshiliklarga rag'bat uyg'otish "Turnaxon" va "Umr"ning eng oliy maqsadi. Chunki yaxshiliklar bor joyda dunyo yashnayveradi.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

ДУНЁНИ ЯХШИЛИКЛАР ЯШАРТИРАДИ

ГАР ЎЗИНГДАН ОРТМАСАНГ...

Назира Юсупова "Қандай қилиб қисмат ўкситиб қўйган дилларни тирикликнинг бахтиёрликларидан баҳраманд этиш мумкин. Ахир уларнинг ҳам болалиги бир бора берилади. Болаликдаги ногиронликка бўйсуниб қолмоқ умрбод шу зардобни симирмоқ дегани..." деб кўп ўйларди. Бу ҳақли эътирозлар уни айрим фактлар билан юзлаштирди: 1994 йили Навоий шаҳрининг ўзида 352 нафар ногирон бола рўйхатга олинган экан. "Уларнинг лоақал бир, ўн нафарини соғломлар сафига қўша олсак ҳам катта бахт..." Ана шу эзгу ният унинг қарама-қаршиликлар бўлишига қарамай, ўзи мудиралик қилаётган Навоий шаҳридаги "Турнахон" мактабгача таълим муассасасида ногирон болалар учун махсус гуруҳ очишига турки бўлди. Лекин, танлаган йўли ғоят масъулиятли, ҳали бу борада республикамизда маълум тажриба тўпланмаган. Шу боис ҳам у ривожланган давлатлар иш услубини синчиклаб ўрганишга киришди. Турли дахлдор жамғармаларга мурожаат қилиб, чет элларда чоп этилган қўлланма ва дастурларни топишга эришди. Шу тариқа жамоа ўз олдига ҳар бир боланинг дардига қараб махсус ривожлантирувчи дастурлар асосида иш олиб бориш вазифасини қўйди.

— Қай бирингиз ҳеч оғринмай, савоб ишга қўл ураяпман, дея ғурур билан меҳнат қилишга қалбингизда хоҳиш, ўзингизда қодирлик топсангизгина бу гуруҳда ишлашни зиммангизга олинг, — дерди Назира Юсупова тарбиячи ва энагаларга. — Йўқса, бирор яхши натижага эришишимиз қийин.

Ўзи эса, педагог ва тиббиёт ходимларининг хулосасига қараб тузалишига умид боғлаш мумкин бўлган болаларни имкон қадар эртароқ муассасага жалб этишга ҳаракат қиларди. Шу тариқа тўшакка михланиб қолган болакайнинг илк қадами, онаизори бир оғиз сўзига зор бўлган кичкинтойнинг чулдираб истакларини баён эта бошлаши, ҳатто насибасини кимдир оғзига тутишига зор дилпоранинг қўлчаларини ҳаракатга келтириши жамоа аҳлининг байрамига айлана бошлади.

— Маржона қизимиз зўрға судралиб юрарди. Баҳодиржоннинг тилга киришига ҳеч ким ишонмасди. Ёдгорнинг қаторга қўшилишига онаси ҳам ишонмай қўйганди, — дейди тарбиячи Тўйбиби Қаҳҳорова. — Айни кунда улар оддий гуруҳларимизда, соғлом болалар сафида тарбияланишмоқда. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Ўқиш, изланиш, ривожлантирувчи машқларни узлуксиз билим ва малака билан олиб бориш шуни кўрсатдики, ногирон боланинг фақат дори-дармонлардан фойдаланиши, унинг ақлий ва жисмоний имкониятларини чегаралаб қўяр экан. Уқалаш, сув ҳавзаси, жисмоний тарбия машқлари, физиотерапия муолажалари жуда секинлик билан бўлса-да, бола организмининг ривожланиб, соғлигининг тикланишига ижобий таъсирини ўтказади.

"УМР" МАРКАЗИ УМИД МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Яхши ишнинг қаноти бор, дейишади. Муассаса хаста дилларнинг нажот гўшасига айлана бориши шаҳар, вилоят, республикада фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотларининг эътиборини торта борди. "Турнахон" тажрибалар ўрганиш манзилгоҳига айланиб қолди. Бу гарчи ортиқча қатор ташвишлар туғдирса-да, аҳил жамоа мулозамат билан мурожаат қилгувчиларга билганларини сўзлаб, ўргатишарди. Шу аснода шаҳардаги 15, 16-мактабгача таълим муассасаларида ҳам ногирон болаларни тарбиялаб, соғликларини тиклашга кўмаклашувчи гуруҳлар очилди. 2001 йили нодавлат ва нотижорат ташкилоти саналган, фалажлик дардига йўлиққан болалар ва ўсмирларга ёрдам берувчи "Умр" марказининг ана шу муассасада ўз фаолиятини бошлаб, Назира Юсупованинг директорлик қила бошлаши хайрли ниятларни кенгайтириш имкониятини яратди. "Умр"нинг саъй-ҳаракатлари қатор жамғармалар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилиши натижасида болалар билан ривожлантирувчи машқлар ўтказиш учун ниҳоятда самарали ва қулай жиҳозлар келтирилдики, бунга эҳтиёж жуда катта эди.

— Муассасага қатнаётган болалар-ку, назоратимизда, — дейди мудира суҳбатимизни давом эттирар экан. — Лекин, уйда ота-оналари қарамоғидаги хаста фарзандларимиз-чи? Ахир улар ҳам инсон, меҳр-мурувватга муҳтож. Марказ улар билан ишлашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу ниятда шаҳар ижтимоий таъминот бўлими билан боғланиб, керакли маълумотларни йиғдик ва шу асосда қатор маҳаллаларда бўлиб, ота-оналар билан учрашдик. Хонадонларда бўлиб, дардманд болажонларнинг аҳволини ўргандик. Имкон қадар кўнглини кўтардик. Ҳис қилдикки, бизнинг фаолиятимиз улар учун ниҳоятда муҳим. Кўпчилик ота-оналар ногирон бола билан кимга мурожаат қилишни билмайди. Қаерда қандай давлат, нодавлат ва нотижорат марказлари борлиги, улар хизматидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги тушунчага эга эмас. Давраларда бу каби ўнлаб муаммолар хусусида тўхталдик. Ҳуқуқшунос ва психологлар билан учрашувлар ташкил этдик.

Нодавлат ва давлат ташкилоти раҳбарлигини маҳорат билан боғлаб олиб бораётган Назира Юсупова муассасада "Соғломлаштириш" маркази фаолиятини йўлга қўйишга ҳам эришди.

Биз марказда бир гуруҳ пойтахтдан келган мутахассисларни ногирон болалар билан муолажалар олиб бориш баробарида ота-оналари ва бошқа қаровчиларига уйда шундай машғулотларни олиб бориш учун йўлланмалар бераётган бир пайтда учратдик.

— Инсон ҳамиша умид билан яшаши, ҳаёт учун курашиши керак, — дейди республика ногирон болалар ва ота-оналар клуби директори Лариса Фахриддинова.

Гувоҳи бўлганингиздек, ўтказилаётган машқлар оддий ва айни пайтда ўзига яраша билим ва тажриба талаб этади. Яхши натижага эришиш учун узлуксиз шуғулланиш керак. Ногирон боланинг туғилиши ота-онани саросимага солиб қўйиши табиий. Лекин, ақл билан фикр юритиб, даво чораларини кўриш учун қанча эрта ҳаракат қилинса, самарадорликка шунча умид боғлаш мумкин.

ТАРБИЯЧИ БЎЛИШ ОСОНМАС ЁКИ ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Назиранинг тарбиячи ва энагаларни ишга қабул қилишининг ўзига хос услуби бор.

«Дипломли бўлиш бу, яхши мутахассис бўлдингиз, дегани эмас. Шу ерда ёруғ юз билан меҳнат қиламан десангиз, овозингизни баландлатмайсиз, болага ҳеч қачон қўл кўтармайсиз, қаттиқ гапирмайсиз. Агар боланинг йиғлаётгани устидан чиқиб қолсам, менга аниқ, асосли сабабини тушунтириб берасиз. Доимий ўз устингизда ишлашни ва машғулотлар таҳлили дафтарингизни, таклиф ва ташаббусларингизни шахсан кузатиб бораман». Бу "темир қонун"га ҳеч ким эътироз билдирмайди. Аксинча, ана шу талабчанлик услуби Моҳим Дониева, Гулнора Ғаффорова, Лола Рашидова, Дилрабо Боқиева сингари тарбиячиларни моҳир мураббия даражасига кўтариб, эл аро ҳурмат топишига йўл очди.

— Муаммолар кўп. Қонунларимизда уларнинг ечимлари ҳам ўз аксини топган, — дея фикрини изоҳлайди Назира. — Масалан, шаҳарда қад ростлаётган бинолар атрофида, албатта, ногиронлар учун махсус йўлакчалар ҳам бўлиши керак. Мен бу хусусда шаҳримиз ҳокими Бахтиёр Ҳамдамов қабулида бўлиб, вазиятни тушунтирдим ва бундан кейин қуриб фойдаланишга топшириладиган биноларни қабул қилиб олувчи комиссия гуруҳига мени ҳам қўшишди. Бундан ташқари, баъзи тадбиркорлар ҳам ўзлари фаолият юритаётган савдо-сотиқ шахобчалари, дорихоналар атрофига шундай йўлакчалар қуриш мажбуриятини олишди. Бу каби қонун йўли билан бартараф этилиши мумкин бўлган масалалар кўп эканлигига нодавлат, нотижорат ташкилотлари билан фаол ҳамкорликлар ўрнатиш жараёнида амин бўлдим. Бу муаммоларнинг ечим топиши халқимиз ҳаёти фаровонлигининг қайси жиҳатларигадир ёрдам беради. Фақат кимдир "ўзидан ортиб" жон куйдириш, муаммоларни ечиш йўлларини қидириши керак.

* * *

Муассасада ота-оналарнинг истаклари, таклифлари атрофлича ўрганиб чиқилиб, мутахассислардан иборат комиссиянинг хулосалари, тест синовлари натижаларига таяниб иқтидорли болалар гуруҳлари ташкил этилди. Тажриба сифатида бошланган бу иш таҳлилларига икки ёшдан олти ёшгача бўлган болалар жалб этилиб, яккама-якка ёндашувлар тарзида ўтказилаётган машғулотлар боланинг онгу шуурида ижобий ўзгаришлар бўлишини исбот этмоқда. Ривожлантирувчи машқлар, нутқ ўстириш, инглиз тили, математика сабоқларининг турли ўйинлар тарзида олиб борилиши боланинг ихтиёрий равишда ўқишга, ёзишга иштиёқини уйғотиб, иқтидорининг турли қирралари намоён бўлишига замин яратмоқда.

* * *

Айни кунларда мазкур мактабгача таълим муассасасида 23 нафар жажжилар тарбияланмоқда. Улардан 21 нафари жисмоний жиҳатдан нуқсонли болалардир. Узлуксиз таълимнинг дебочаси саналган фаолият қарор топган мазкур масканда "зинама-зина" тарзида фидокорона меҳнат мужассамлашганига иқрор бўласан киши. Жамиятдан ажралиб қолаётган дилпораларга нажот қўлини чўзиш, умидлар уйғотиш, имкон қадар дардларидан халос этиб, кўпнинг сафига қўшиш, ана шу эзгуликларни болажонлар нигоҳи олдида адо этиб, уларнинг ҳам дилида яхшиликларга рағбат уйғотиш "Турнахон" ва "Умр"нинг энг олий мақсади. Чунки яхшиликлар бор жойда дунё яшнайверади.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

ЭСКИ ТИЗИМНИНГ ЯНГИЛАНИШИ

ёхуд мураббий ва талаба ўртасидаги муносабатлар хусусида

Халқимизда "Устоз отангдек улуғ" ибораси бежизга айтилмаган. Устоз-мураббийларимиз бундай шарафли номга аслида ҳам лойиқдирлар. Отаси буюрганида ҳам устози ўтирган уйнинг томига чиқмаган шогирд тўғрисидаги ривоят ўтмишимизнинг аён ҳақиқатларидан биридир. Барча соҳаларда устознинг шогирдга, шогирднинг устозига самимий муносабати яққол кўзга ташланади. Улар бир-бирлари билан фақат иш жараёнидагина эмас, бир умрлик алоқада бўлиб, ака-ука, опа-сингил даражасига ҳам етадилар.

Тошкент давлат маданият институтида жорий этилган устоз-шогирдлик тизими билан танишиш чоғида бу фикрнинг қанчалар тўғри эканлигига яна бир бор иқрор бўлдик. Институтда бир неча йиллик тажрибалар, сақланиб келаётган анъаналар асосида жорий йилдан "Устоз-шогирд"-лик дастури ва Низоми ишлаб чиқилган. Бу дастур қоидалари талабаларнинг ҳар томонлама мукаммал шаклланиши, мутахассис сифатида рақобатбардош, маънавий жиҳатдан етук инсон бўлиб камол топишига қаратилган. Бош мақсад ҳам касб таълими ва тарбия ишларининг уйғунлашуви ҳамда самарадорлигини таъминлашдан иборат. Эндиликда 35-40 кишилик гуруҳга битта ўқитувчи етакчилик қилмайди. Ҳар бир педагогга 10—12 нафар талаба шогирд сифатида бириктирилади. Улар турли курслардан, гуруҳлардан (ўзбек, рус сингари) бўлиши мумкин. Бу эса, ўқув сифатининг ошишида аҳамиятли бўлиб, ҳеч ким — ўқитувчи ҳам, талаба ҳам эътиборсиз қолдирилмайди.

Устоз ва шогирд анъаналари кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам мавжуд. Бунга Англиядаги "Тьютарлик", Бельгиядаги "Педагог-талаба", Исроилдаги "Ҳомийлик" тизимларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Халқимиз тарихида узоқ асрлар давомида сақланган бу анъанани янада такомиллаштириш галдаги долзарб вазифалардан саналмоқда. Тизимнинг йўлга қўйилишида, дастур ва Низомларнинг ишлаб чиқилишида фаол иштирок этган устозлардан бири, профессор **Мансур Бекмуродов**нинг бу хусусдаги фикрлари ўзига хос:

— Устоз-шогирд анъанаси педагоглар орасида соғлом рақобат муҳитини кучайтириб юборди. Институт миқёсида 50 нафар профессор-ўқитувчи устоз сифатида фаолият юритмоқда. Илгариги кураторлик иккиламчи даражадаги тарбиячилик функцияларини адо этиб келар эди. Ҳозир эса мураббийлар дарсдан сўнг ҳам шогирдлари билан банд бўлишади. Сирасини айтганда, улар орасида доимий, узлуксиз алоқа юзага келган.

Дарҳақиқат, олиб борилаётган ишларнинг амалий кўламини, ижобий жиҳатларини институт биносига яқинлашганингиздаёқ ҳис қиласиз. Бу даргоҳга истеъдодли, санъатсевар талабалар тўпланган. Улар доимо машғулотлар ўтказиб, маҳоратларини ошириш билан банд. Шу сабабли куй-қўшиқлар, лапарлар жаранги бутун атрофга таралиб туради. Мана, хоналарнинг бирида йигит-қизлар бир сафга тизилишиб, навбатдаги тадбирда ижро этиладиган саҳна кўринишига тайёргарлик кўришмоқда. Миллий чолғулар воситасида, талабалар жўрлигида ижро этилаётган бу тароналар ҳар қандай кишини ўзига жалб этиши тайин. Қувноқ ва куюнчак талабаларга ҳавасимиз ортди.

Уларнинг киришимлилиги, эркин ҳаракат қилишлари ўзаро иноқлигидан дарак берарди. "Мураббийимиз дастлабки маърузаларида "Менга биринчи навбатда она сифатида, сўнгра устоз-муаллима, қолаверса, тенгдош сифатида қаранглар", дея таъкидлаган эди. Самимий айтилган бу сўзлар таъсирида Манзура опадан ҳеч нарсани яширмасдан, эркин фикр алмашишга одатландик", — дея фикримизни тасдиқлади талаба Рустам Расулий.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам таълим сифатининг ошишида устоз-шогирд ўртасидаги муносабат муҳим аҳамиятга эга. Аксарият талабаларнинг бошқа вилоятлар, чекка туман ва қишлоқлардан келганлиги мураббийлар зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Улар талабаларнинг ўзлаштиришлари ва дарслардаги иштирокидан ташқари яшаш шароити, турмушидаги маиший муаммолардан ҳам бохабар бўлиб боришлари лозим. Жонкуяр, фидойи мураббийлардан бири Манзура опа Йўлдошева ҳам янги ўқув йилида бир неча йиллик тажрибаларига таянган ҳолда ушбу вазифани бажаришга киришди. 12 нафар талабанинг ҳар бирига алоҳида, дунёқараши ва психологиясидан келиб чиққан ҳолда ёндашишинг керак. Талабаларнинг дарсларга қатнаши, ўзлаштиришлари доимий суръатда таҳлил қилиб борилади. Ўқув йили бошидаёқ устоз-шогирдлар бир йиллик режа тузиб олишган.

— Биз талабаларнинг фақат институтдаги ҳаётинигина эмас, дарсдан ташқари ҳолатини ҳам текшириб борамиз. Чунки институтда кўз олдимизда бўлишади. Уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш мақсадида музей, театр, кўргазма заллари билан доимий алоқа ўрнатганмиз. Яқинда Иркутск театр жамоасининг дастурларида иштирок этдик,— дея ҳикоя қилади бажарилаётган ишлар тўғрисида мураббия Манзура Йўлдошева.

Устозлар доимий тарзда шогирдларининг танлаган мутахассислиги бўйича изланишларини, дунёқараши ва қизиқишларини ўрганади ва таҳлил қилади ҳамда жараённи биргаликда лойиҳалаштиради. Бу эса, талабаларнинг Ватанга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний ва миллий қадриятларимизга ҳурмат кўрсатишга жамиятимизда юз бераётган ўзгаришларни тўғри англашига ёрдам беради; ёшларнинг ёт ғояларга оғмаслиги, миллатимиз манфаатларига зид келувчи оқимлар таъсирига берилиб кетишининг олди олинади. Муҳими, ҳар бир талаба учун бўлажак олий маълумотли мутахассис сифатида, ўз-ўзини мақсадли тайёрлаб бориш имкониятлари кенгайди. Доимий мулоқот ва рағбатлантиришлардан шогирдларнинг ҳам кўнгли тўқ.

— Устозимиз билан битирув иши, курс ишлари мавзулари бўйича маслаҳатлашиб турамиз. Муносабатларимиз фақат институт доирасидагина эмас. Кўплаб тадбирларда қатнашиб, муҳокамалар ўтказамиз, — дейди Пўлат Холиқулов.

4-курс етакчиси Катя Дрозд шаҳар маданият ходимларининг касаба уюшмасига институтдан делегат сифатида сайланган. У биз билан суҳбатда қуйидагиларни таъкидлади:

— Мураббийимиз Манзура опа педагогларнинг ҳамма жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган. Бизга ҳар қандай масала бўйича ўз пайтида амалий кўмак ва насиҳатларини бериб келмоқда. Қисқасини айтганда, жорий қилинган тизим сабаб, устоз ва шогирд орасидаги тўсиқ батамом олиб ташланди.

Шогирдлар ютуғи, албатта, устозлар меҳнатининг ҳосиласидир. Ҳозирги пайтда институт жамоаси кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш, касбий жиҳатдан рақобатбардош, маънавий комил инсонни тарбиялаш ҳаракатида фаолият юритмоқда. Халқ ижодиёти факультети декани, доцент Нозим Қосимов айтганидек: "Санъатшунослик хусусиятидан келиб чиқадиган бўлсак, устоз-шогирдлик анъанаси кўп йиллардан буён давом этиб келарди. Эндиликда уни такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди". Ҳозирги кунда институтда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артистлари Хайрулла Лутфуллаев, Олмахон Ҳайитова, санъат арбобларидан Жўра Шукуров, режиссёр Баҳодир Йўлдошев, хизмат кўрсатган артистлар— Эргаш Тошматов, Матлуба Дадабоева, Ҳуррият Исроилова, Оролмирза Сафаров ўз шогирдларига касб сирларини ўргатиб келмоқдалар.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, "Устоз ва шогирд" фаолияти ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан мунтазам равишда назорат қилинади. Назорат ойма-ой, ярим йиллик ва ўқув йили якуни бўйича ўтказилади. Устозлар фаолияти шогирдларининг соғлом маънавий муҳити, касбий тарбия бўйича қўлга киритган ютуқлари, ўзлаштириш даражаси, институт ва факультет ҳаётида тутган ўрнига кўра баҳоланади. Институт назорат бўлими бошлиғи Анвар Қирғизбоевнинг сўзларига кўра, ўқув йили бошидан буён давомат барқарор ҳолатда. Ҳар бир талабанинг психологик портрети ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ўқишни битиргандан кейинги ҳаётига ҳам устозлар ўзларини масъул ҳисоблашади. Сўнгги пайтларда устози бир бўлган шогирдлар — турли курсларда таълим олаётган талабалар ака-ука, опа-сингилдек бўлиб қолишади. Бир сўз билан айтганда, уларни "кичик оила" деса ҳам бўлаверади. Устознинг шогирдга, шогирднинг устозга талпиниб яшашига нима етсин?!

Азиз НОРҚУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

КЎЗ ЎНГИМИЗДАГИ ГАЛЕРЕЯ

... Бу кошонани пойтахтимизнинг энг гўзал биноларидан, деб айта оламиз. Эҳтимол, ҳали бу ерга кўпчилик кирмаган бўлиши мумкин ва демак, улар санъат асарларидан баҳраманд бўлишмаган. Тасвирий санъат галереясининг Мустақиллик майдонига жуда яқин жойда тикланиши бежиз эмас.

Дарвоқе, Мустақиллик байрами арафасида эшиклари очилган замонавий меъморчилик намунаси тасвирий санъат галереяси шинавандаларини ўзига чорламоқда. Бундай иншоот фақат орзу қилинарди, энди эса, у кўз ўнгимизда. Галерея эшигидан киришингиз билан бу ерда ишловчилар сизни лутф ила қарши олишади. Томошабинлар таассуроти қандай, ўртоқлашгимиз келди.

Қодиржон ЭСОНАЛИЕВ, Алишер Навоий номидаги кутубхона хизматчиси:

— Шаҳар марказидаги энг йирик ва ичи ҳайратомуз шаклда бўлган бу бино олдидан ҳали битмаган кезларда ўтиб юрардим. Нимага мўлжалланаётганини билмасдим. Буни қарангки, шундай ҳашаматли сарой рассомлар ижодидан халқимизнинг баҳраманд бўлиши учун очилган экан. Демак, санъатга нисбатан катта эътибор ва ғамхўрлик халқимиз манфаатлари, унинг маънавиятини юксалтириш билан чамбарчас боғлиқдир. Галереяда заллар жуда кўп экан, картиналар, портретлар қаршисида соатлаб қолиб кетиш мумкин. Ҳар бир асар учун рассом қанча ойлаб заҳмат чекқан экан, бизга қоронғу. Бу ердан кишининг кайфияти кўтарилиб чиқади.

San'at olami

Ҳосилмурод РАҲМОНОВ, рассом:

— Эркин ижодкорман, илк бор келишим. Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Чингиз Аҳмаров, Беньков каби рассомларнинг йирик полотноларини ҳавас билан томоша қилдим. Орзуим бор, шулардай рассом бўлиб, гениал асарлар яратсам.

Ярослав ШЕЛОМЕНЦОВ, Ҳамза номидаги мусиқа коллежи талабаси:

— Галереяга иккинчи марта келдим. Аввал ўзим, ҳозир эса, курсдошларим билан. Залларнинг безатилиши, суратларга тагхат берилиши бизга манзур бўлди. Асосан, бизга портрет жанридаги асарлар ёқди, сурат билан ўша шахс қиёфаси орасида фарқнинг йўқлиги томошабинни ҳайратга кўмади.

Тўғрисини айтганда, музейларга, кўргазма залларига келиб кетишга кўпчилик ҳафсала қилавермайди. Лекин, санъатни юксак даражада, теран тушунадиган, қадрлайдиган, ўзгаларни ҳам шунга ундайдиган кишилар тоифаси борки, улар бундай жойларга ихтиёрий тарзда келишади.

— Галереямиздан мухлисларнинг кети узилгани йўқ. Ўқувчилар, талабалар, катта-кичик ёшдаги санъат ишқибозлари мамнуният билан фикр билдириб, чиқиб кетишмоқда. Хизмат кўрсатиш 3 та бўлим гарданига юклатилган. Энг каттаси картиналарни сақлаш бўлимидир. 15 та залга 300 дан зиёд катта ҳажмдаги асарлар қўйилган, — дейди бинодан фойдаланиш масалалари бўйича директор ўринбосари Ниғмат Абдужонов.

... Ўтган ҳафта охирида галереянинг тақдимот маросими уюштирилди. Тантанали йиғилишда расмий доира вакиллари, галереядан асарлари жой олган рассомлар, Россия, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби қўшни мамлакатлардан келган санъат намояндалари ҳозир бўлишиб, унинг Италия, Германия, Буюк Британия, АҚШдаги худди шундай иншоотлардан асло кам эмаслигини эътироф этишди. Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедов маросимда тўлқинланиб, шундай деди: «Бугун бутун Марказий Осиёда байрам қилинмоқда. Мазкур галереяда барча авлод вакилларининг асарлари жамланган».

Кошонага ўрнатилган энг замонавий жиҳозлар экспонатларни намойиш этиш ва асраш учун зарур бўлган энг қатъий ҳарорат даражасини, намликни таъминлаш ва қўриқлаш шартларига риоя этиш имконини беради. Лекция ва кинозаллар, кутубхона, моҳир уста студияси, устахоналар — буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, янги мажмуани халқаро даражадаги санъатшунослик марказига айлантиради. Минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал. Яхшиси, галереяга қадам ранжида этинг, афсусланмайсиз, руҳий дунёнгиз юксалади.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

Muallim hammaning ustozi — otashnafas shoiru xushovoz hofiz, kashfiyot yaratgan olimu shohsupaga chiqqan sportchining ham. Ona-Vatan dovrug'ini olamga manzur etgan yurt farzandi borki, ustozlariga qulluq qiladi.

Fanimiz fidoyilari

КИМЁГАРЛАР ИЗИДАН

Умрнинг мазмуни кенгга кенглик, олижимматлик, юрт ва халққа нафи тегиш, шунингдек, инсоний фазилатларни дилга жо этиб, унга мос ҳолда яшаб ўтишдадир. Баъзан одам маълум ёшга борганида ўтган умрига бир бор назар ташлайди. Агар ҳаётидан қониқиш ҳосил қилса, «Бекор яшамабман» деб мамнунлик туяди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий-ўқув марказида ўқув-методик бўлим раҳбари ва илмий-ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари сифатида қарийб қирқ йилдан буён хизмат қилиб келаётган Мурод Толибов ҳам ана шу фикрни кўнглидан ўтказаётган бўлса, ажаб эмас.

Фиждувоннинг Пинжувон қишлоғида таваллуд топган Мурод ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ўзининг қобилияти, изланувчанлиги билан муаллимларнинг назарига тушди. Бу давр уруш ва ундан кейинги оғир йилларга тўғри келган, аксарият тенгдошлари фақат қорин тўйдириш ғамида бўлган бир пайтда у илм-маърифат кетидан «қувади». 1953 йилда ҳозирги ЎзМУнинг кимё факультетига ўқишга кирган ёш йигит етук кимёгар олимлар Обид Содиқов, Карим Аҳмедов, профессорлар И.Цукерваник, Ш.Толипов ва бошқа дунёга машҳур олимлар қўлида таҳсил олди. Унга Тошкентда қолиб илмий иш билан шуғулланишни тавсия этишди. Бироқ, оилавий шароити йўл қўймаганлиги учун Бухоро вилояти қишлоқ хўжалик бошқармасида, кейинчалик Фиждувондаги ўрта мактаблардан бирида фаолият кўрсатди. Мурод Толибов ўз илмий фаолияти даврида кимё фани назариясини ривожлантириш, яъни газдан кимёвий моддаларни синтез қилиш муаммолари устида изланишлар олиб борди. Кейинчалик «Аминокислоталарни катализаторлар иштирокида карбониллаш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. «Ҳаётнинг келиб чиқиши, унинг ривожланиш диалектикаси тўғрисидаги ҳозирги замон кимё фани», «Кимё мўъжизалари фалсафа кўзгусида», «Моддий олам ва материя шакллари», «Абу Али ибн Сино илмий меросига фалсафий қарашлар ва унинг жаҳон тараққиётида тутган ўрни», «Абдухолиқ Фиждувонийнинг фалсафий қарашлари» каби унинг илмий ишлари кўпчиликка манзур бўлди.

Мурод Толибов академия президиуми қошида ташкил қилинган илмий текшириш институтлари раҳбарлари ва ходимларини ўқитиш кечки икки йиллик университетида ўқув ишлари бўйича проректори, шунингдек, касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси бўлиб ишлади. У илмий-ўқув марказида ўқув-методик ишларни ҳозирги замон талабига жавоб берадиган даражага кўтариш учун ҳаракат қилмоқда.

Олимликдан шон-шуҳрат, мартаба, обрў-эътибор топган кишиларга халқимиз ҳамиша юқори баҳо беради ва уларнинг кетидан эргашган фарзандларини қўллаб-қувватлайди. Мурод Толиповнинг ҳам шогирдлари кўп ва шу нарсага аминмизки, устозлари йўлидан бораётган ёш олимлар ҳам бир кун келиб худди у сингари ёши улуғ, обрў-эътибор топган домлалари даражасига етадилар.

Н.ТЎРАЕВ,
ЎзФА илмий-ўқув маркази раҳбари,
академик,
А.ҲАБИБУЛЛАЕВ,
доцент

РАСУЛМАТ ДОМЛАНИНГ ДАРСЛАРИ

1961 йилнинг 1 сентябридан бери Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти «Математика ўқитиш методикаси» кафедрасида ўқитувчи, кейинчалик катта ўқитувчи, декан ўринбосари, «Геометрия» кафедраси мудири, доцент лавозимларида фаолият кўрсатиб келаётган Расулмат Юнусметов ўзининг табаррук 70 йиллик тўйини қарши олмоқда.

Устоз Р.Юнусметов 1967—1970 йилларда геометрия, лойиҳавий геометрия, чизма геометрия ва дифференциал геометрия фанларидан бизга сабоқ берганларини яхши эслаймиз. Унинг доскада шаклларни — айланани, тўғри чизиқларни қўлда бехато чизиши бизни ҳайратда қолдирарди. Бир куни танаффусда домла чизган тўғри чизиқлар устидан чизғич қўйиб кўрдик. «Қойил-э» деб чапак чалиб юбордик. Чунки, чизиқ худди чизғич билан чизилгандай равон, аниқ, тўппа-тўғри эди. Айнан шундай ҳолатни қўлда айлана чизганда ҳам кузатиб кўрганмиз. Талабалигимизга бориб, ийманибгина домладан «Қандай қилиб ўргангансиз?» деб сўраганимизда, «Сизлар ҳам институтни битириб, мактабда дарс берсаларингиз, уч-тўрт йил ўтгач, мендан ҳам яхшироқ чизасизлар» дегани ёдимиздан чиқмайди.

Расулмат домлани кенг феълли, талабчан, ёшларнинг яқин маслаҳатчиси сифатида биламиз. У киши дарсдан ташқари ҳолатларда ҳам талабаларнинг билмаган, ўзлаштиришда қийналаётган мавзуларини эринмай тушунтириб берарди. Домланинг яна битта яхши хислати бор; шахмат тахтасида ким биландир ўйин бошласа, икки-уч соатлаб жойидан жилмасди.

Р.Юнусметов илмий-педагогик фаолият билан бир қаторда ташкилотчилик, раҳбарлик лавозимларида ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб келяпти. У киши 1972—76 йилларда математика факультети декан ўринбосари, кейинчалик геометрия кафедраси мудири лавозимларида фаолият кўрсатди. Бу даврда бўлажак математика ўқитувчиси қандай сифатларга эга бўлмоғи даркор ва бунга факультет профессор-ўқитувчилари жамоаси қандай усулда ёндашиши лозимлиги, талабаларнинг китоб устида мустақил ишлашлари, геометрияни ўрганиш учун нималарга ва қандай эътибор бериш лозимлиги устидаги изланишларини чуқурлаштирди. Шу тариқа Расулмат домла геометрия ўқитиш оламига тўлатўкис кириб борди. У киши мактаб таълими учун ҳам жон куйдириб келади. Гарчи геометрия курсидан талабаларга маъруза ўқиса ҳам, ҳар бир мавзунинг қайси қисми мактабда математика ўқитишда асқотишини талабаларга алоҳида уқтиради. Устознинг бой тажрибаси Н.Дадажонов, Т.Абдуллаев билан ҳамкорликда ёзган «Геометрия» 2-қисм, Ҳ.Назаров билан ҳаммуаллифликдаги «Мунтазам кўп ёқлилар», «Геометриядан дастур» ҳамда «Геометриядан назорат вазифалари» каби дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам ўз ифодасини топган.

Ж.ИКРОМОВ,
А.АКМАЛОВ,
Ж.БОЛТАЕВ

БОШҚАРУВ БИЛИМДОНИ

Муаллим ҳамманинг устози — оташнафас шоиру хушовоз ҳофиз, кашфиёт яратган олиму шоҳсупага чиққан спортчининг ҳам. Она-Ватан довруғини оламга манзур этган юрт фарзанди борки, устозларига қуллуқ қилади. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб раҳбари Насиба Нишонова 42 йиллик педагогик иш фаолиятига эга мураббий бўлгани боис кўплаб шогирдларининг таъзимига лойиқ. У ўз иш фаолиятини 1962 йилда 169-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси вазифасидан бошлаган. Тез орада ўзининг билимдонлиги, ташкилотчилиги ҳамда тиришқоқлиги туфайли бошланғич синф методикасининг чуқур билимдони сифатида ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлди. 1973 йилдан бери 243-мактабни бошқариб келаётган Н.Нишонова ўз жамоаси камчиликларини йўқотиш, ютуқларини кўпайтириш ҳақида бош қотиради.

Дарвоқе, мактабнинг ютуқлари анчагина. Таълим-тарбия сифати, ўқувчилар билим савиясининг юқорилиги, мактабнинг замон талабларига мос жиҳозланганлигини кўпчилик эътироф этади. Мактабда бошқарув ва ички назоратни йўлга қўйиш борасида тўпланган илғор тажриба кўп йиллардан буён А. Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда раҳбар лавозимидаги курс тингловчилари учун амалий ва назарий сабоқ бўлиб келмоқда.

Илм даргоҳида 1992 йилдан бери математика ва чет тилларини ўқитишга алоҳида эътибор берилмоқда. Битирувчиларнинг 85 фоизи олий ўқув юртларига кириб ўқияпти. 2001—2002 ўқув йилида таълим даргоҳи шаҳар мактаблари ўртасида ўтказилган «Йил мактаби» кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли 3-ўринни қўлга киритган эди. Қайсики илм даргоҳини ўз касбига садоқатли, тадбиркор, ишбилармон раҳбар бошқарар экан, шубҳасиз, бу мактаб жамоасининг ютуқлари кўпаяверади. Бир сўз билан айтганда, мактабнинг 3080 нафардан зиёд ўқувчиларига дарс бериб келаётган 106 нафар ўқитувчи фаолиятида ҳам эътиборга молик қайсидир жиҳатларни кузатиш мумкин.

Малика КАРИМОВА

Xotira

ИБРАТЛИ УМР

Раҳбарлик, кўпчиликка бош бўлиш осон эмас. Уч-тўрт кишининг бошини қовуштириб, бир мақсад сари йўналтириш учун одамларга ибрат бўла олиш керак. Айниқса, ўқитувчидек зукко, билимдон, ҳақпараст зотларга раҳбар бўлиш анчагина машаққат. Очил ота Наврўзов Нурота туман халқ таълими бўлимини 30 йил бошқарди. Унинг 1955 йили туман халқ таълими бўлими мудири сифатида бошланган фаолияти мактабларнинг ўқув-моддий техника базасини мустаҳкамлаш, муассасаларни педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқиш ва ўқитиш ишларини изга солиш каби муаммолар кўндаланг турган бир вақтга тўғри келди. Нуротанинг табиий географик шароитидан келиб чиқиб мактаблар ниҳоятда тарқоқ жойлашган. Бу ёғи Самарқанднинг Қўшработи ҳам туман ҳудудига кирса, бир томондан Фориш туманининг талайгина қисми ҳам Нурота туманига қарарди. Мактабларнинг сони тўқсондан ортиқ. Бир-бирининг орасини ўнлаб километрлар ажратиб туради. Бу эса, табиийки, бошқарув тизимини янада мураккаблаштиради. Ана шундай бир шароитда домла ўқув масканларидаги таълим жараёнини сифат жиҳатидан яхшилашга асосий эътиборини қаратди. У умри давомида академик Қори Ниёзийнинг "Ўқитувчи бўлишдан олдин ўйла, унга майл, рағбатинг борми? У сенга косиблик эмас. Ўқитувчи бўлиш учун унинг фидойиси, фанати бўлиш керак" деган сўзларига амал қилди. Ҳамкасбларини ҳам шунга ундади. Битирувчи синф ўқувчилари билан ўтказган суҳбатларида бу ҳикматли иборани кўп бора такрорлади. Устознинг ана шу қарашлари талаблари таъсирида Нуротада жонкуяр ўқитувчиларнинг катта жамоаси шаклланиб, мактаб ва маорифнинг ҳақиқий фидоийлари етишиб чиққанини кўпчилик эътироф этади, тан олади.

— Домла тизимни одилона ва оқилона бошқариш учун тинмай изланарди, — дейди у киши билан узоқ йиллар бирга ишлаган Э.Исмоилов. — Очил ака бир қарашда адабиёт, жуғрофия, тарих, қўйингки, ҳар қандайин фан ўқитувчиси билан беллаша оладиган "универсал" педагог эди. Ҳудудимиз шу қадар ёйилиб кетган бўлишига қарамай, мактабларда меҳнат қилаётган ўқитувчиларнинг феъл-атворидан тортиб ишдаги ютуқ ва камчиликларигача яхши билар, инсон сифатида эндигина иш бошлаган ёш муаллимни ҳам катта ҳурмат билан қадрларди. Шу муносабатнинг ўзиёқ бир томондан домланинг тиниб-тинчимаслигини кўрсатса, иккинчидан, ўқитувчиларнинг ишга меҳр ва масъулиятини оширарди. Қачон қараманг, албатта, қўлларида қайсидир бадиий китоб бўларди. Ва суҳбатдошидан ҳам ўқиётган асари ҳақида албатта сўрарди.

Уруш йилларида 1942 йилдан 1946 йилгача жангоҳларда ёв билан курашиб қайтган Очил ота Наврўзов зукко, фидойи ўқитувчи, салоҳиятли раҳбар сифатида Нурота туман маорифи ижтимоий-сиёсий ҳаётининг юксалишига катта ҳисса қўшди. Нафақага чиққан йиллари ҳам жамоатчилик ташкилотларига раҳбарлик қилди. Энг қувончлиси, халқ таълимиинг доимий маслаҳатгўйи эди.

Домланинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланди.

Домланинг ибратли умри шогирдларига ҳамиша ибрат бўлғусидир.

Ойбуви ОЧИЛОВА

ЮШЕНКО ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ЗАҲАРЛАНГАНМИ?

Украина юқори Радасининг вақтинчалик раиси Владимир Сивкович президентликка даъвогар халқ депутати Виктор Юшенконинг заҳарланганлиги тўғрисида комиссия йиғилишида хабар берди. Сивковичнинг фикрича, Юшенконинг заҳарланганлиги сабабини дарҳол аниқлаш лозим.

Австриядаги шифохона тиббий текширув жавобларини Украина прокуратурасига топшириши лозим, деб хабар қилади Сивкович. Агар бу борада керакли органларга хабар берилмаса, айбдорларнинг жинояти фош этилмай қолиб кетиши мумкин. Агар шифокорлар текширув натижаларини беришдан бош тортишса, жиноятга шерик деб топилади. Бу ҳақда ИТАР—ТАСС ахборот агентлиги хабар тарқатди.

ПУЛ НИМАГА АЖРАТИЛГАН?

АҚШ давлат департаменти расмий вакили Ричард Ваучер АҚШ Украина сайловларига молиявий ёрдам кўрсатганлигини айтди, деб хабар беради АР агентлиги.

Украина ҳукумат раҳбарининг маълумот беришича, АҚШ Виктор Юшенко сайлов компанияси учун пул ажратиб, давлат ички ишларига аралашган.

Оқ уй бундай маълумотларни инкор этиб, бунга жавобан маблағ фақатгина сайлов жараёнлари ва сайловлар учун 14 млн. доллар ҳажмида ажратилганлигини билдирди.

ГОЛЛАНД ШИФОКОРЛАРИ ЭВТАНАЗИЯ ТАРАФДОРИ

Голландия шифокорлари оғир касалликлар билан туғилган чақалоқларни эвтаназия (ўлимни енгиллаштириш усули) қилиш тўғрисида янги қонунлар ишлаб чиқиш кераклигини эътироф этишмоқда. Саккиз шифохона шифокорлари экспертларидан тузилган комиссия ушбу мурожаатномани кўриб чиқишга киришди. Голландия фуқаролари яқин ойларда бу мурожаатномани кўриб чиқиб, унга ўз жавобларини айтишлари керак.

2002 йилда Голландия дунёдаги биринчи эвтаназияга рухсат берилган давлатга айланди.

Дунё бўйича айни пайтда оғир хасталиклар ва миясиз туғилаётган гўдакларнинг сони тахминан 600 нафарча бўлиб, шулардан 10-15 нафари Голландияда туғилмоқда.

Нидерландиядаги университет клиникаларининг бирида қандай ҳолатларда бу чорани қўллаш тўғри эканлиги ҳақида ҳужжат ишлаб чиқилди. Аммо, бу ҳужжатга Ватикан норозилик билдирди.

Ҳозирги кунда Голландияда эвтаназияни фақатгина оғир ҳолларда 16 ёшга етган шахсларга нисбатан қўллаш мумкин. Маҳаллий шифокорларнинг таъкидлашича, кўпчилик дунё педиатрлари гўдакларга нисбатан эвтаназияни қўллаш тарафдорлари. Францияда бу кўрсаткич 74 фоизни, Голландияда эса, 72 фоизни ташкил этмоқда.

Интернет манбалари асосида
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети
109-гуруҳ талабалари тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Фалсафа жамиятининг Раёсати раёсат аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

Абдураҳмон ОРТИҚОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Dunyo bolalari

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҚДА

Дарфурнинг Чад билан чегарадош Судан сўқмоғидан учта эшакни ҳайдаб, кўзлари нурли 11 яшар қиз кетиб борарди. Эшакларнинг биринчисига сарғайган ўтлар ортилган. Юкнинг оғирлиги ва катталигидан ҳайвоннинг фақатгина оёқлари кўринарди. Озғингина, уятчан, исми Ум-Жумма Абдуллахи бўлган қиз ҳар куни бадавлат оилаларга посилка олиб боради ва ҳар куни ўт юлиш ва сотиш учун 10 километрлик йўлни босиб ўтади. Ўзининг сариқ пояларни териб қилган икки кунлик меҳнати учун у бир доллардан камроқ пул топади. Ум-Жумманинг мактабда ўқимаслиги ажабланарли эмас. Судан қизларнинг ўқишга жалб қилиниши бўйича дунёда энг паст фоизли мамлакатлардан биридир. Суданда 42 фоиз, Жанубий Дарфурда эса ундан ҳам кам, яъни 22 фоиз ва маҳаллий ерларда аҳвол шунчалар ёмонки, мактабга қизларнинг бир фоизигина қатнайди. Бу ерда танаффуслар ҳам узоққа чўзилиб кетган. Шунинг учун маҳаллий аҳоли қизлар таълимининг келажагини кўрмайди. Судан ҳукумати ЮНИСЕФ билан биргаликда 378 та: 9 та шаҳарнинг шимолида, яна 3 та жанубда янги мактабларни қуриш, ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш ва яна таълим соҳасида кўплаб ишларни ўзи олиб борадиган "Миллат болалари ҳақидаги ташаббус" дастурини ишлаб чиқди. ЮНИСЕФ мактабларни қуриш, қайта таъмирлаш, мебеллар билан таъминлаш, ўқув материалларини олиш, ўқитувчиларни ўқитиш ва тайёрлаш учун сарфланадиган маблағларни ўз зиммасига олди. Жаҳон тижорат дастури эса 6 та штатдаги болаларнинг мактабда ҳеч бўлмаса бир маротаба овқатланишларини таъминлайди. Ундан ташқари, бу ташкилотлар мактабларни тозалаш ва санитария иншоотларини қуришга ёрдам беради. Мактаб дастурига соғлиқни сақлаш ва гигиена асослари ҳақидаги фан киритилган. Шунингдек, болаларга эмлаш ҳақида ҳам мана шу фанда эслатилади. Яқинда ОИТС/СПИД ҳақида ҳам алоҳида дастур киритилди. Ушбу ўта муҳим ва долзарб масалалар билан бир қаторда улар ичимлик сувларини чиқаришга ёрдам берувчи насосларни ҳам беришни эсларидан чиқармадилар.

Мактабда ичимлик сувини чиқариши мумкин бўлган ягона сув насоси ўрнатилган. У уйларга узоқлик қилади. Ҳар куни 11 ёшли Аватиф Аҳмад Муталло мактабдаги насос ёрдамида бир неча шиша идишларни тўлдириб олиб келади. Бу сув аниқ тақсимланган. Сув унга овқат қилиш, чой дамлаш ва овқатдан олдин қўл ювишга керак бўлади. Бу кўримсизгина бўлиб кўринган қоидалар касаллик ва ҳатто ўлим миқдорини ҳам камайтиришга сабаб бўлганини мутахассислар аниқлашди. Ўтган йилларда ўқиш, билим олиш даражаси, шароити қандай эканини тасаввур қилиш қийин, чунки аҳвол жуда ёмон эди. Ўқишга, билим олишга келган болалар бутун кунларини ерда, майдаланган шағал, тош устида ўтириб ўтказардилар. Кўплаб болалар қоғоз, ручкасиз бўлса-да, нимани-дир эслаб қолишга ҳаракат қилардилар. Бу ҳол дарс тугаб, то уйларига кетгунларича давом этарди. Мактабларнинг қурилиши, қайта таъмирланиши, ота-оналарнинг ўз фарзандларининг мактабга беришлари, билим самарасининг ва таълим олиш имкониятларини оширди. Айниқса, қизларнинг билим олиши учун ўта фойдали бўлди. "Бир оила, иккинчи оила қизининг ўқиётгани ва унга эътибор берилаётганини кўрса, ўзи ҳам қизини ўқитиш учун ҳамма нарса қилади", дейди Ғарбий Дарфурдаги қизларни ўқитиш бўйича мутахассислар раисаси Мано Ал-Дом Аҳмад.

Ҳамкорлик билим даражасининг сифати яхшиланишига сабаб бўлмоқда. 2002 йилнинг ўзида ЮНИСЕФ бутун Судан бўйича 1200 нафарини аёллар ташкил этувчи 2759 нафар ўқитувчиларни тайёрлади. Театрлар, шеърият тўгараклари, спорт мусобақалари ёрдамида ўқитувчилар ва ўша ерларнинг зиёлилари биргаликда билим олиш масалаларини кўтариб чиқдилар ва омма онгига ўқишнинг фойдали эканлигини етказдилар. Масалан, Ал-Хумайра номли қизлар мактабида ўқувчи-қизлар омма ўртасида рақс тушиб ва шеър ўқиб, ўз билимларини намойиш қилишди. Буларнинг ҳаммаси айнан сувнинг етишмаслиги ва унинг заҳираси камлиги сабабли маҳаллий аҳоли ва кўчманчилар ўртасида уруш-жанжаллар юз бераётган ерларда бўлиши ўта муҳимдир. Чунки ана шу жанжаллар орқасида 1999—2001 йиллар ўртасида 26 та мактаб ёниб кетди. Бу ерда ҳозир ҳамма Судан санъатини чуқурроқ ўрганмоқда. Бундан ташқари улар қўшни бўлган кўчманчиларнинг одатлари билан ҳам танишмоқдалар. Тажрибалардан аниқланишича, ёшларнинг онгига бундай маълумотларни сингдирилиши яхши натижа бермоқда. Ум-Жумма болалигида таълим ололмаган катта ёшлиларга ўқиш учун берилган имкониятдан фойдаланди. Ҳозир у Ал-Вехда марказига қатнаб, керакли фанларни ўзлаштирмоқда. Шунингдек, у ҳаётда керак бўладиган кўплаб нарсаларни билиб олмоқда. Бу билимлар унга кўпроқ пул ишлаб топишига ёрдам беради. Катталарни ўқитадиган бу марказлар, ёшларни ўқитадиган мактабларчалик муҳим ва керакли самарани бера олади. "Оиладаги она ўз-ўзидан ўқитувчи, чунки у, ўзига ва атрофдагиларга керак бўлган билимларни билади", деб таъкидлайди мактаб директори Фатийе Аббос. Эшаме Эззелдин Абдулла ҳеч нарсани билмаган қизларининг билим олишлари натижасида қанчалар ўзгарганларини сезди. Икки қизи ҳозирда ҳамширалик бўйича амалиётда. "Қизларим мактабга қатнай бошлаганларидан бери уйимизда ҳамма нарса ўзгарди. Улар бизга уйни қандай қилиб қайта жиҳозлаш, уни қандай қилиб тоза сақлаш, шамоллаш ва тери касалликларидан қандай қилиб сақланиш ҳақида гапириб ҳамда амалда кўрсатиб беришди", дейди она.

"Аввал қизлар 12 ёшда фарзанд кўриб, 18 ёшгача уч нафар болалик бўлишарди" дейди Маке Ал-Дом Аҳмад. Энди-чи, оила бошлиғи шайх Мекка Бакхитнинг қизи Сиамнинг Ниал университетида ветеринария факультетида ўқимоқда. Совчилар унинг қўлини сўраганларида отаси: "Ҳали вақти эмас, ўқиши тугашини кутиш керак" деб жавоб бермоқда.

БМТнинг "Дунё болаларининг аҳволи—2004" ҳисоботи асосида
З.АҲМЕДОВА тайёрлади.

МАРСДА СУВ ҲАҚИҚАТДАН ҲАМ БЎЛГАНМИ?

Американанинг тадқиқот зонди Spirit Марсда илгари сув бўлганини тасдиқловчи минералларни топди. Бу ҳақда Nasa маълум қилди.

"Интерфакс"нинг хабар беришича Spirit гетит минералига дуч келган. Бу минерал сув бўлсагина мавжуд бўлиши мумкин.

Август ойида Spirit Марснинг юзасида сувнинг изини топган эди. Reutersнинг хабар беришига қараганда, Spiritнинг вазифаси асосан, Марсдаги Ландшафтнинг шаклланишида сувнинг ролини аниқлашдан иборат бўлган. Суратлар бўйича мутахассисларнинг фикрича, бу тепалик сув емирилиши натижасида ҳосил бўлган. Олимларнинг тахминича, бу жумбоқнинг очилиши, Марснинг атмосфераси ва юзасининг қадимда қандай бўлганлигини билишга ёрдам беради.

Spirit ўтказган тадқиқотлар тепалигини "Кловес" деб номлашди. Унинг бўйи 10 метрни ташкил қилади.

Илгарироқ Spirit ва Opportunity марсаходлари Марсда сув бўлганлигига далил топишган эди.

— Бу тепалик бошқалардан шуниси билан фарқ қиладики, — дейди Марс тадқиқотчиларидан бири Стив Скайерс, — бошқа тепаликларда биз сув қолдиқларини кам миқдорда топган бўлсак, ушбу тепаликда анчагина кўп миқдорда топдик. Шу билан бирга бошқа тепаликларда сув емирилиши аниқланмади.

Феруза УМИРЗОҚОВА,
Мираббос РУСТАМОВ
ЎзДЖТУ талабалари

ЭНГ БАЛАНД МИНОРА

Туркия дунёда тарихий ва ҳашаматли биноларга бой давлат. Яқин келажакда ушбу мамлакатда янги, дунёда энг баланд минора қурилиши режалаштирилмоқда, дея хабар беради "Новости" ахборот агентлиги. Миноранинг бўйи 705 метр баландликда қад ростлайди. 161 қаватдан иборат янги қурилма қурилишига 275500 кубометр бетон, 40700 тонна темир сарфланади. Унда 45 та лифт жойлашади. Қурилиш ишларини Бельгиянинг «Бесикс» компанияси амалга оширади. Лойиҳанинг қиймати 875 млн. доллар бўлиб, 2005 йилда қурила бошлаб, 2008 йилда ниҳоясига етиши керак. Роппа-роса бир йил давомида тендер эълон қилиниб, Бельгия компанияси унда ғолиб чиқди.

Нозима ИКРОМОВА
тайёрлади.

O‘ZBEKISTONIM

O‘zbekistondir noming,
Aziz, hur o‘lkam.
Davru davron sursin,
Bolalaring ham.

Gulbog‘, gulistonim,
Nurli bo‘stonim.
Davring keldi, yashna,
O‘zbekistonim.

Mohina BOYSOATOVA,
Oltinsoy tumanidagi
13-maktabning 5-sinf o‘quvchisi

TONG BAZMI

Sahar shabadasi, qushlar chug‘uri,
Gullarga taqilgan shabnam marjondek.
Majnuntol salomi, soyning g‘uvuri,
Tong nima... uyqudan turgan jonondek.

Tong suvratin chizmoq bo‘laman halak,
Tasvirga ojizdir ranglar jilosi.
Gullar visoliga yetar kapalak,
Shalola kuyining bilmam ma’nosin.

Quyosh pardasini ochadi sahar,
Suvda yuz — husnini ko‘radi quyosh.
Nozanin yulduzlar ko‘kni tark etar,
Gul bargi ko‘zidan sizib turar yosh.

Nilufarxon RASULOVA,
Yaypan shahridagi 1-maktabning
9-sinf o‘quvchisi

TONG

Tong otmoqda, barglarda shudring,
Qizarib ko‘rinar tog‘larning boshi.
Nastarin gullarim turar chayqalib,
Bargida yaltirar ko‘zlarin yoshi.

Mayin sabo esar yuzimni silab,
Tolning barglarida ko‘klamning isi.
Tongda sen quyoshni qarshi ol, do‘stim,
Odamning kelmaydi bundan ketgisi.

Tabiat, tongda sen buncha go‘zalsan,
Nedandir bundayin hikmat, tarovat.
Uyg‘onish onidir, shuning uchunmi,
Shunchalar latofat, buncha malohat.
Tong otmoqda...

Gulizod VALIYEVA,
Quyi Chirchiq tumanidagi
26-maktabning 9-sinf o‘quvchisi

GO‘ZAL O‘ZBEKISTON

Bor olamda bir davlat,
Konlaridir badavlat.
Lol unga butun jahon,
Bunchalik u farovon?
Shunchalik ko‘rkam diyor,
Uning bag‘ridir bahor.
Dalalari paxtazor,
Fermer, dehqon, mirishkor,
Har qaysi mehnati bor.
U davlat hur guliston,
Nomidir — O‘zbekiston!

ALPOMISHGA

Surxon elida bayram,
Go‘zallandi Termez ham.
Alpomishning qaytishin
Dunyo qiladi — bayram.
Alpomishim qaytdingmi?
Alp qomatim qaytdingmi?
Yurtboshim o‘zi keldi,
Sening qutlug‘ to‘yinga.
Osmonda quyosh kuldi
Nurlar to‘ldi uyinga
Alpomishim qaytdingmi?
Alp qomatim qaytdingmi?
Alpomishning kimligin
Eshitardim momomdan.
Jangu-jadallar qilgan,
Dushmanlarini yenggan,
Oybarchinga yetishgan.
Ta’rifingni baxshilar
Kuylar butun jahonga.
Chaqirdilar hammani
Mehmonga Boysunjonga.
Alpomishim qaytdingmi?
Alp qomatim qaytdingmi?
Yetti iqlimdan kelgan
Mehmonlaring muborak,
Alpomishga bag‘ishlab
Bergan to‘ying muborak.
Alpomishim qaytdingmi?
Alp qomatim qaytdingmi?
Kuch sinashdi polvonlar,
Loldir butun jahonlar,
Alpomishning yurtida.
Har yigit alp polvonlar.
Alpomishim qaytdingmi?
Alp qomatim qaytdingmi?

Nafisa BURHONOVA,
o‘quvchi
Chirchiq shahri

O‘YNAB-KULIB, JO‘SHAMIZ

Chanoqdan to‘lib-toshib,
Ochildi oppoq paxta.
Yurtimizning boyligi,
Hosil mo‘l bo‘lsa baxt-da.
Katta-kichik otlanar,
Hashar yig‘im-terimda.
Men ham dalaga chiqdim,
Etak bog‘lab belimga.
Paxta terib xirmonga,
Biz ham hissa qo‘shamiz.
Hosil to‘yi bo‘lganda,
Quvnab-kulib jo‘shamiz.

Shahnoza IBROHIMOVA,
Zomin tumanidagi
20-maktab o‘quvchisi

BOLALAR DUNYOSI

UKAMNING JAVOBI

So‘rab qoldi amakim:
— Yoshing hozir nechada?
Javob berdi ukam Hakim:
— Yoshim hozir yettida.

— Kim bo‘lasan kattarsang,
Uchuvchimi, shifokor?
— Yurtimni qo‘riqlayman,
Bo‘laman qo‘rqmas askar.

Ozoda SHUKURBOYEVA,
Nurota tumanidagi 22-maktabning
6-sinf o‘quvchisi

VATAN

Vatan ko‘rar ko‘zim,
Vatan qarog‘im.
Har nigohim Vatan
Kiprik — yarog‘im.

Ey do‘stim, senga,
Shudir — so‘rog‘im.
Vatandan ayro kim,
Topibdi baxtin.

Istasang, izlasang,
Topsang gar qadr.
O‘zga yurt tuprog‘i —
O‘zga baribir.

El chun jon chekmasang,
Bu qanday tadbir.
Vatandan ayro kim
Topibdi baxtni?!

Kimdir maskan qursa,
Bilingki, oyda,
Yo o‘zga sayyora,
Shunday bir joyda.

Yurak dast urmasa,
Uvndan ne foyda?!
Vatandan ayro kim
Topibdi baxtin?!

Muxlisa ZOKIROVA,
S.Rahimov tumani
M.Tursunxo‘jayeva nomidagi
tibbiyot kolleji o‘quvchisi

KUZ

Bu kecha osmonni bulutlar quchdi,
Oltin kuzni suyib kutib oldilar.
Tunlari zuhraoy yulduzi uchdi,
Yerlarga oltindan gilam soldilar.

Daraxt yaproqlari guldayin nafis,
Shabboda turtganda quchar yerlarni.
Kuzning ilk kunlari naqadar nafis,
Maysalar so‘zlashar aytib sirlarni.

Quyoshning nurlari xira tortadi,
Do‘lana shoxlarin shamol silkitar.
Kuzning go‘zalligi yana ortadi,
Sochilgan sirin kuz mayus berkitar.

Lobar G‘ANIYEVA,
Shahrisabz tumanidagi
48-maktabning 8-sinf o‘quvchisi

ONAJON

Onajon, ne uchun tashlab ketdingiz?
Shahlo ko‘zlarimni yoshlab ketdingiz...
Dilimni qayg‘uga g‘ashlab ketdingiz,
Onajon, men sizni juda sog‘indim!

Axir, sizni juda yaxshi ko‘raman,
Doimo men sizni tushda ko‘raman.
Endi bu dunyoda qachon ko‘raman?
Onajon, men sizni juda sog‘indim!

Dardimni sira ham yengolmas yurak,
Sizsiz bu dunyoda yana kim kerak?
Qayting, onajon, deb qilurman tilak,
Onajon, men sizni juda sog‘indim!

Vujudim talpinar faqat siz tomon,
Birga bo‘lgan kunlar yodimda hamon.
Sukunat saqlabon esladim shu on,
Onajon, men sizni juda sog‘indim!

Menga yorug‘ dunyo sizsiz zulmatdir,
Sizsiz, shod kunlarim menga kulfatdir.
Atrofim har doim do‘stu ulfatdir,
Onajon, lekin men sizni sog‘indim!

Shahlo ERNAZAROVA,
Navoiy qurilish kasb-hunar
kolleji o‘quvchisi

AHIL MAHALLAM

Yashnagan bog‘u-bo‘ston,
Mahallamiz «Turkiston».
Bunda har bir xonadon
Yashaydi tinch va shodon.

Doim ahil va quvnoq,
Bir-biri ila inoq.
Bosishar olg‘a qadam,
Mening ahil mahallam.

Nargiza RAHMONOVA,
Bekobod shahridagi
9-maktabning 6-sinf o‘quvchisi

DUNYODA TENGI YO‘Q

Dunyoda tengsiz, yagona,
Maslahat berar do‘stona.
Razillik undan begona,
Dunyoda tengi yo‘q ona.

Agarda bo‘lsam sehrgar,
U uchun qurardim shahar.
Ona-chun bu kamlik qilar,
Dunyoda tengsizdir ona.

Po‘lat YO‘LDOSHEV,
Narpay tumanidagi 13-maktab o‘quvchisi

Bolalar sporti

ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Қадимги урф-одат ва анъаналаримиздан мерос бўлиб келаётган халқ ўйинлари бола саломатлиги учун катта аҳамиятга эга. Айниқса, боланинг дунёқараши учун улар етакчи аҳамият касб этади. Бундан анча йиллар муқаддам халқ ўйинлари бўйича мусобақалар фақат ёш болалар эмас, ўсмир ёшдаги ўғил-қизлар, ҳатто катта ёшдаги кишилар ўртасида ҳам ўтказилган. Бунга мисол сифатида "Арқон тортиш" ўйинини келтириш мумкин. Бу ўйин қишлоқларда, шаҳарларда ҳам ўйнаб келинган. Ёки, "Қўл йиқар" ўйинини кўпроқ аёлларимиз "кучимиз кўпайсин" деган мақсадда ўйнаб туришган. Булар катта-катта мусобақаларда ҳам ўйналган.

«Биласизми, илгари болалар бўш вақт топди дегунча, йиғилишиб "Чиллак", "Эшак минди", "Лапоқ", "Ланка" ўйинлари ўйнашарди. Бу ўйинларда миллийлик акс этиб турарди. "Ҳозирда бу халқ ўйинлари бутунлай йўқолиб кетган" демоқчи эмасман. Бироқ, бугун улар анчагина ўз аҳамиятини йўқотган. Балки бунга замонавий спорт турларининг кўпайгани сабабдир. Бунинг яққол кўринишини шаҳар болаларининг ўйинларида кўришимиз мумкин. Оддий "Чиллак" ўйини айрим қишлоқларда ғишт ва кичик хивичлар билан ўйналарди. Ҳозир эса, шу ўйин учун махсус мослалар ясалаяпти. "Лапоқ" ўйини эса, деярли ўйналмаяпти ҳам».

Халқ ўйинлари қиз-йигитлар ёки эркак-аёллар ўртасида ўтказилганда эса, бутун қишлоқ аҳли томошабинга айланган. Булар ҳам жисмоний соғлик, ҳам руҳий сокинлик, ҳам маънавий ҳордиқ берган.

Ҳозирда эса, халқ ўйинлари катта ёшдагилар тугул ёш болалар ўртасида ҳам деярли ўйналмасдан, унут бўлиб бораяпти. Лекин, шундай бўлса-да, улар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Таъбир жоиз бўлса, фойдали нарсанинг номи йўқолса-да, аҳамияти йўқолмайди.

Савол туғилади, қадимда урфга айланган халқ ўйинларининг қай бири ҳозирга қадар сақланган?

Бу ҳақда Қизилтепа туманидаги Оқбеда қишлоғида болалар спорти бўйича мураббий Акбар ака Отаев шундай дейди:

Яқинда бир иш билан қишлоқ оралаб юриб, ўйин майдончасида бир тўда болаларнинг "Ланка" ўйнаётганларига гувоҳи бўлдим. Улардан қанақа халқ ўйинларини биласизлар, қайсинисига қизиқасизлар, деб сўрадим.

Болалар "Кураш", "Кувашакан", "Бештош", "Бекинмачоқ", "Оқ теракми, кўк терак", "Умбалоқошар", "Ғолиб", "Ғозлар", "Қўл йиқар" деб бир қанча ўйинларни галма-галдан санаб ўтишди. Уларнинг берган жавобларидан шунга амин бўлдимки, бу ўйинларнинг ҳаммасини жуда катта қизиқиш билан ўйнашар экан. Улардан узоқлашар эканман, халқ ўйинлари ҳозирда ҳам ўйналаётганини кўрганимдан суюниб кетдим.

Халқ ўйинлари қишлоқ болалари назарида қандай аҳамиятга эга-ю, шаҳар болалари назарида қандай аҳамият касб этади? Шаҳар болаларининг ҳам фикрлари бу ўринда қизиқарли бўлса керак?

Уларнинг аксари футболга қизиқишларини айтишди. Бироқ, қишлоқ болалари санаб ўтган қатор-қатор халқ ўйинларининг бирортаси ҳам тилга олинмади. Уларга бу ҳақда айтганимда, болаларнинг ҳозиржавоблиги ҳатто "бу кулгилию" деган жавобни берди. Халқ ўйинларининг аҳамияти ҳақида гапириш ўрнига "кулгили" таърифини берган болаларнинг дунёқарашлари, менимча, ачинарлидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугун спорт билан мунтазам шуғулланиш учун шароит етишмайди, деб баҳона қилаётганлар аслида халқ ўйинларининг борлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Ваҳоланки, халқ ўйинлари ёшларнинг ҳар томонлама тарбия топишида кўмак берувчи ва урф-одатларимизнинг сақланиб қолган намунаси сифатида ҳар қандай даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаслиги аниқ. Бизнинг истагимиз, бола руҳиятига ижобий таъсир кўрсатадиган, уларнинг ўсиши учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган халқ ўйинлари ҳеч қачон эътибордан четда қолиб кетмасин.

Зебо ҚУТЛИЕВА,
ЎзМУ талабаси

ЁШ БОКСЧИЛАР БАҲСИ

Болалар спортининг икки муҳим жиҳати бор. Биринчиси, болаларни меъёридаги машғулотлар орқали ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан баркамол вояга етишини таъминлаш, уларда ғурур ва ифтиҳор туйғуларини ривожлантириш, иккинчиси, турли даражадаги беллашувларга жалб этиб, ёш спортчини катта ва муҳим мусобақаларга тайёрлаб бориш ҳамда бунда ўзини тутиш ва бошқаришга ўргатишдан иборат. Ана шу икки мақсадни кўзлаган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент вилоят бўлими ҳамда вилоят ЎМКҲТ бошқармаси ҳамкорликда анъанавий халқаро турнир ташкил этди. Ангренда бўлиб ўтган мазкур турнирда 1987-88 йилларда туғилган болалар бокс бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказди. Унда мамлакатимиздан ташқари Тожикистон, Қозоғистон ва Туркманистондан ҳам ёш боксчилар иштирок этди. Иштирокчилар 12 вазн тоифасида рингга чиқди.

Мусобақаларда ҳар бир жамоа турнирга асосий таркиби билан ташриф буюргани сезилиб турди. Финал жанглари Тошкент вилояти боксчиларининг умумжамоа ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

ЧАВАНДОЗЛАР БОРДИР БУ ЭЛДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда кураш, от спорти каби миллий спорт турларини ривожлантириш, бу спорт турлари бўйича мусобақаларни кенг миқёсда ташкил этишни қўллаб-қувватлаш юзасидан сезиларли ишлар қилинмоқда. Яқинда Қашқадарё вилоятида от спортининг «Улоқ-кўпкари» тури бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтгани фикримиз далилидир. Таъкидлаш лозимки, «Улоқ-кўпкари» мусобақаларида тажрибали чавандозлар билан бир қаторда ёш спортчиларнинг ҳам муносиб иштироки беллашувларнинг муросасиз кечишини таъминлади. Тўрт кун давом этган баҳсларда Тошкент, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидан ташриф буюрган юзга яқин чавандоз иштирок этди.

Мусобақалар финалида Тошкент вилояти вакиллари ва жиззахлик чавандозлар майдонга тушди. Унда 4:3 ҳисобида ғалаба қозонган пойтахт вилояти чавандозлари Ўзбекистон кубогини қўлга киритди. Мезбонлар эса, бронза медали билан чекланди. Шунингдек, 1600 метр масофага ўтказилган от пойгасида қашқадарёлик Аббос Хушвақтов биринчи бўлиб етиб келди. 3200 метр масофада эса, хоразмлик Азим Одилов ғолиб чиқди. Чавандозларга совринларни Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев топширди.

О.СУЛАЙМОНОВ

ЯХШИ ИЗЛАР ҚОЛДИРИБ!

Бундан беш ой олдин Навоий қурилиш касб-ҳунар коллежи раҳбарияти Навоий шаҳридаги "Зарафшон" маҳалла болаларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича ҳамкорлик шартномасига имзо чеккан эди.

Ушбу ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, бугунги кунда 1994-1995-1996 йилларда туғилган болажонларнинг 25 нафари коллеж тасарруфидаги спорт мажмуасида волейбол, футбол, енгил атлетика, каратэ билан мунтазам шуғулланмоқда. Муҳими шундаки, машғулотни коллеж ўқитувчилари олиб бориб, уларга вилоят каратэ федерацияси президенти Ф.Қурбонов раҳбарлик қилмоқда.

Бу ташаббус таълим-тарбия ва спорт маданиятини юксалтириши ҳамманинг ижтимоий бурчи эканлигидан далолат бермоқда. Бошқачароқ айтадиган бўлсак, бу ташаббус маҳалла болаларини эртанги кун умиди билан яшашга чорлаб, уларни тўғри йўлга бошлашга пойдевор яратмоқда. Шу боис ҳар бир машғулотни ўқитувчилар унумли ташкил этмоқда.

— Ҳозир партада ўтирган ўқувчилар келажагимиз эгаларидир, — дейди коллеж директори И.Ортиқов. — Ташаббуснинг қанот ёзишини кўрган ота-оналар коллеж раҳбариятига ўзининг самимий ташаккурини билдирмоқда.

Ўткир ПЎЛАТ

АНДРЕЙ ШЕВЧЕНКО «ОЛТИН КОПТОК»НИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Италиянинг "Милан" клубида тўп сураётган Украина ҳужумчиси Андрей Шевченко "Европанинг энг яхши ўйинчиси" деб тан олинди. У иккинчи ҳамда учинчи ўринни эгаллаган португалиялик Деку ва бразилиялик Роналдинодан ўтиб кетди.

"Олтин копток" совриниг 1956 йилдан бошлаб Европанинг энг яхши футболчисига француз журнали "Франс футбол" томонидан бериб келинади.

НАВБАТДАГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ҚАЕРДА ЎТАДИ?

2012 йилда бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинларини ўтказиш учун дунёнинг энг кўзга кўринган шаҳарлари ўртасида муросасиз кураш кетмоқда. Душанба куни Халқаро олимпия қўмитаси (ХОҚ) якуний режасини эълон қилди. Унда 5 та номзод шаҳар тавсия этилди. Улар Лондон, Мадрид, Москва, Нью-Йорк ва Париж шаҳарларидир. Февраль ва март ойларида бу шаҳарлар ўз тайёргарликлари ҳақида ХОҚ назоратчиларига ҳисобот берадилар. 6 июль куни эса, Сингапурда ўтказиладиган ХОҚнинг якуний йиғилишида натижалар эълон қилинади.

ВИТАЛИЙ КЛИЧКО ЎЗ ҒАЛАБАСИНИ УКРАИНА ДЕМОКРАТИЯСИГА БАҒИШЛАДИ

Виталий Кличко WBC йўналиши бўйича чемпионлик камарини британиялик Денни Уильямсга қарши ўтказган жангида муваффақиятли ҳимоя қилди.

"Менинг ғалабам Украинада демократияни қўллаб-қувватловчилар учун совға бўлди ва бу жанг мени қониқтирди. Бизнинг гуруҳда ҳеч ким мазкур беллашувнинг шунчалик енгил бўлишини ўйламаган эди. Мен энг обрўли чемпионлик камарини ҳимоя қила олишимни исботладим. Уильямс биз тахмин қилганимиздек кураш олиб борди. Шунинг учун масофани сақлаб, уни жанг пайтида ўзимга яқинлаштирмасликка ҳаракат қилдим.

Тўғрисини айтсам, Денни мени ўзининг кўп сонли берган зарбалари ва бақувват жуссаси билан ҳайрон қолдирди", — деб таъкидлади Кличко. Боксчи келажакдаги режалари ҳақида эса, шундай деди: "Энди мен ўз камаримни сақлаб қолиш ва уни юксалтириш учун Жон Руис билан рингга чиқаман. У билан стол атрофида ўтириб келишув ўтказишга тайёрман".

«ТИЛЛА БОЛА»

Англия терма жамоаси ва "Манчестер Юнайтед" жамоасининг ҳужумчиси Уэйн Руни Италиянинг "Tuttosport" газетаси томонидан Европанинг энг ёш истеъдодли ўйинчиси деб тан олинди ва "тилла бола" деган номга сазовор бўлди. Бу номга эришиш учун юксак қобилият эгаси Уэйн Руни ўз жамоадоши Криштиану Роналдуни ортда қолдирди. У журналистларнинг сўровига кўра иккинчи ўринни олди. Учинчи ўринга эса, Лондоннинг "Челси" жамоаси ўйинчиси Арьен Раббен эга бўлди.

"Катта футболдаги биринчи шахсий ғалабамдан жуда хурсандман", — дейди 19 ёшли футболчи Уэйн Руни.

Ўтган йили бу номга Амстердамнинг "Аякс" жамоаси ўйинчиси Рафаэль Ван Дер Вар сазовор бўлган эди.

Интернет манбалари асосида
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети
104-гуруҳ талабалари тайёрлади.

— Bolalarim, bilaman, hozir juda xafasizlar. Bu bizning birinchi yo‘qotishimiz. Hayotda hech kim dunyoga ustun bo‘lgan emas. Birov erta, birov kech, baribir abadiy ko‘z yumadi. Hayot qonuni bu.

Ko‘ngil bitiklari

ВАТАН

Бирида болангман, бирда боламсан,
Гоҳида алла-ю гоҳи аламсан.
Отамдай соғиниб, боламдай суйиб,
Кунимга куйганим — мунис онамсан.
Ҳар лаҳза керагим — коримсан, Ватан.

Қуламас деворсан, отам тиклаган,
Тугамас дуосан, онам тилаган.
Тебратган бешигим, ётган бешигим,
Сен нурсан, жонимни ўтга ўраган.
Сиғинган меҳробим, тўримсан, Ватан.

Не-не алп ўстирган мукаррам тупроқ,
Яхшилар йўлида сўнмаган чироқ,
Кўркли, кўкингдаги лочин болангман,
Йўлаган қузғунга соламан титроқ.
Юксак чўққидаги қоримсан, Ватан.

Сени бешик дедим, мен бедор дедим,
Ёвга хиёнату мардга ор дедим.
Кафтимда чўғ тутиб, ҳайқиргум бугун,
Бўлса сендай макон битта бор дедим.
Жаннатим, иймоним, боримсан, Ватан.

РАЙҲОН

Сада-ей — садарайҳон,
Синглимдай содда райҳон.
Бориб қулоғига айт,
Соғиндим уни ёмон.

Жаннат гулим райҳона,
Нега бўлдик бегона.
Уй ичида ўсмайсан,
Ҳар баҳор дил вайрона.

Ўсганингда иккимиз,
Айтишардик сиримиз.
Опа-сингил бўлардик,
Ёришарди дилимиз.

Ифорингни таратиб,
Ўзинг алда юпатиб.
Синглинг келади деб айт,
Бир сават кулча ёпиб.

Сада-ей — содда райҳон,
Негадир дилим вайрон.
Синглим қулоғига айт,
Соғиндим бугун ёмон.

Мунаввар ТОШПЎЛАТОВА,
ўқитувчи

ЖАСОРАТ ДАРКОР...

Ногоҳ, имо қилди ҳинду чол,
Катта очди бегемот оғзин.
Унинг улкан тишлари аро,
Кўркмас ҳинду тикди ўз бошин.

Во ажаб! — деб, қараб турибман,
Оғзин ёпса кетади боши.
Эвоҳ, қандай қалтис томоша;
Бегемот ва ҳиндунинг оши...

Ҳинду кирар ҳеч иккиланмай,
Бегемотнинг оғзига такрор...
Оғир эрур ҳаётнинг тоши:
Яшаш учун жасорат даркор!..

Аҳмадобод. 1979 й.

ВАТАННИ СОҒИНИБ...

(Америка дафтаридан)

Руҳимда порладинг қуёшим — Ватан,
Олис юртда бўлдинг бардошим — Ватан.
Жонимга ҳижронинг ларзалар солди.
Кипригим куйдирган кўз ёшим — Ватан.

Гул каби ҳидладим кийимларимни,
Шояд бўлса дедим, Ватаним гарди.
Илк бора тушундим кўнгли яримни
Кўзларимга тўлди Фурқатнинг дарди.

Меҳрингни бердинг бас, керакмас заринг,
Бобурдек ёт юртда англадим қадринг.
Руҳимга аждодлар руҳи ёр экан,
Жаҳон бойлигига алмашман гардинг.

Гарчи Дунё кезиб, дунёлар кўрдим,
Зулматга ёнма-ён зиёлар кўрдим.
Она юртда топдим излаганимни,
Минг бир ошиёнлик бинолар кўрдим...

Рашидхон ШУКУРОВ,
Қўқон ДПИ доценти



ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

ЙЎҚОТИШ

Hikoya

Нозиманинг ўқувчилари жудаям ажойиб. Уларни ўз болаларидай яхши кўради. Дарсга кириб, синфга илҳақ кўз югуртиради. Ҳаммалари келганми, тан-жонлари омонми? Уйга жавоб бериб ҳам кўнгли тинчимайди. Эсон-омон етиб олишдимикан? Шаҳар кўчалари ҳаддан зиёд серқатнов. Эҳтиёт бўлиб кетишларини ҳар куни қайта-қайта тайинлайди.

Ўқувчиларининг оққўнгил, меҳнаткаш, ҳалол болалар бўлиб ўсаётганларидан қувониб кетади. Яратгандан инсофдиёнат тилайди улар учун.

Бир куни энди дарс бошлаган ҳам эдики, дераза токчасига бир мусича келиб қўнди.

Болалар хурсанд бўлиб қичқириб юборишди. Уларнинг шовқинидан чўчиб кетган қуш «пир» этиб дарахтга қўнди. Болалар нафасларини ичига ютишди. Уларнинг тинчигани қушга далда бўлиб яна токчага қўнди. Болалар энди шовқин қилишмади.

Нозима овозини пастлатиб, мулойим оҳангда деди:

— Ўқувчилар, мусича меҳмон бўлиб келибди. «Меҳмон отангдек улуғ» деган гап бор. Келинглар, уни меҳмон қилайлик.

Чарос папкасидан булочка, яна бири печенье, олма олишди. Дераза токчасига ушоқларни қўйишди. Мусича оч эканми, ҳадик билан тез-тез чўқилади. Болалар териларига сиғмай қувониб кетишди.

Шу-шу қуш болаларга ўрганди. Ҳар куни улар келиши билан учиб келади. Болалар уйдан тариқ, гуруч оқшоғи, ушоқлар олиб келишади. Мусича қорнини тўқлаб, болаларга қўшилиб дарс тинглагандек ўтиради.

Синфга бегона одам кирса, ўқувчилар «мана бизнинг қандай қушимиз бор!» дегандек фахрланиб қарашади. Навбатчи қиз йўқламага келади:

— 33 нафар ўқувчими?

— Йўқ, 34 тамиз, мусичамиз ҳам бор, — дейди қизиқчи бола Азамат. Гур этиб кулги кўтарилади.

Нозима ўқувчиларига меҳр билан разм солади.

— Устоз, — деди туйқусдан Ботир, — тўғрими, пайғамбаримизнинг онаси мусичани нонпар билан урган экан, ҳадеб жаҳлига теккани учун. Шунинг учун кўкрагида нонпарнинг изи бор экан. «Қарғиш олган қуш» дейдилар ойим.

Нозима бу бидъатни эшитган эдию болаларга бу бемаъни гапни тушунтиргиси келмаганди. Афсус чекди.

— Йўқ, болам, бу бўлмаган гап. Шундай беозор қуш бировнинг асабига тегадими? Халқимизда мўмин, ювош, бировга зарари тегмайдиган одамларни мусичага қиёслашади. «Мусичадай беозор одам» дейишади.

«Қандай одамлар бор-а, — ўйлади ичида Нозима — ёш боланинг юрагига ёмонлик уруғи экишдан нима фойда бор уларга?» Нозима синфга кирганида хонада 3-4 қиздан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Папкалари жойида. Қизлар жуда хафа эдилар. Улар Нозиманинг олдига келишди. Қўлидан ушлаб, дераза томон бошлашди.

Нозима 2-қаватдан пастга қаради. Дарахтлар тагида болалар давра олиб ўтиришар эди.

— Устоз, — дея йиғлаб юборишди қизлар.

— Мусичамиз ўлиб қолди.

Нозиманинг юраги шувиллаб кетди.

«Наҳотки, болаларининг қувончи, дўсти ўлган бўлса?»

Синчиклаб деразадан қаради. Ўртада бир қулочча келадиган қабр, бош томонга қушнинг пати тиқиб қўйилган. Болалар мунгли кўзлари билан қабрга тикилиб ўтиришарди.

Нозиманинг болаларни чақиришга мажоли етмади. Дилнозани жўнатди.

Улар синфга тўп-тўп бўлиб кириб келишди. Бошлари эгик, кўзларида мунг.

Ҳамма хомуш жой-жойига ўтирди.

— Болаларим, биламан, ҳозир жуда хафасизлар. Бу бизнинг биринчи йўқотишимиз. Ҳаётда ҳеч ким дунёга устун бўлган эмас. Биров эрта, биров кеч, барибир абадий кўз юмади. Ҳаёт қонуни бу. Мусичамиз ҳам беозор, дўст бўлиб яшади, ёмон ишлар қилмади. Доимо биз билан бирга бўлди. Шунинг учун ҳаммамиз хафамиз. Яхши одам дунёдан ўтса, одамлар узоқ вақт унинг яхши ишларини гапиришади.

Қани, болажонларим, дарсни бошлайлик бўлмаса...

Болалар маъюс нигоҳ билан деразага қарашди.

Насиба АБДУЛЛАЕВА,
Акмал Икромов туманидаги
229-мактабнинг бошланғич
синф ўқитувчиси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-226.
Тиражи 17975. 1 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Нурлан УСМОНОВ.
Навбатчи: Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ *белгиси остида реклама материаллари берилади.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим ва халқаро ҳаёт янгиликлари бўлими —136-56-97, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.